

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

УДК 347.97/99 (575.1)

**НУРУЛЛАЕВА ШОХИДА ХОЛМУХАММАДОВНА**

**СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ, МОДДИЙ –**  
**ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ**  
**ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ**

5А380111- Суд ҳокимияти; прокурор назорати; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи  
органлар фаолиятини ташкил этиш; адвокатура

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

**Илмий раҳбар: Ф. Ражабов**

**ТАШКЕНТ – 2010**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>1-БОБ. Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш вазифаларининг моҳияти ва аҳамияти.....</b>	<b>9</b>
1.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифалари тизимида судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифасининг роли ҳамда ўрни .....	9
1.2. Ташкилий чора-тадбирлар.....	15
1.3. Моддий-техника ва молиявий чора-тадбирлар.....	20
1.4. Одил судловни тўлиқ ва мустақил тарзда амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган бошқа чора-тадбирлар.....	31
<b>I – боб бўйича хулосалар.....</b>	<b>48</b>
<b>2 БОБ. Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш муаммолари.....</b>	<b>52</b>
2.1. МДҲ давлатлари ва хорижий давлатларда судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш.....	52
2.2. Мустақил суд ҳокимиятининг қарор топишида Суд департаментининг роли.....	60
2.3. Амалга оширилаётган ислоҳотлар муносабати билан судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифалари.....	67
2.4. Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш масалалари .....	72
<b>II – боб бўйича хулосалар.....</b>	<b>74</b>
<b>Хулоса.....</b>	<b>75</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>80</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб, тубдан ислоҳ қилинган соҳалардан бири суд-ҳуқуқ тизимидир. Бунинг сабабини ундаки, янги, мустақил, демократик суд-ҳуқуқ тизимига эга бўлмасдан туруб мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ҳам тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаб бўлмайди. Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиш, қонун устуворлиги, шахс, оила, жамият ва давлат ҳуқуқ ва эркинликларинининг ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялаш каби масалаларни бир вақтда ҳам мақсад, ҳам восита, давлат барпо этилишининг энг асосий шарт сифатида эълон қиладиган ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамият ҳамда ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда юқорида кўрсатилган ҳолат алоҳида мазмунга эга бўлди. Ушбу мақсадга эришиш учун суд-ҳуқуқ тизими чуқур ўйланилган муҳим ўзгартиришлар ва ислоҳотларни талаб қилди.

Президент И.А.Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар ижтимоий-сиёсий ҳаётининг, жумладан сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барча соҳаларни камраб олди. Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини ва эркинлигини, унинг кенг жамоатчиликка очиклигини таъминлаш, дастлабки тергов ва суд процессида тарафларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш, шунингдек жиноят процессида адвокатуранинг ролини ва мустақиллигини кучайтиришни назарда тутган ҳолда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштиришдир. Шунини таъкидлаш керакки, парламентимиз суд-ҳуқуқ тизimini чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш

бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлатирилди<sup>1</sup>.

Шу нарса диққатга сазоворки, Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар аста-секин ижро этувчи ҳокимият идораларининг маъмурий бошқаришидан чиқиб, мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш хусусиятларига эга бўлмоқда.

Мустақилликгача бўлган даврда судлар адлия органларининг бошқаруви ва назорати остидан бўлган. Адлия органлари нафақат судларни молиявий, моддий ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, балки суд органларини ташкилий бошқариш ваколатига ҳам эга бўлган.

Шуни қайд этиш керакки, 2000 йилда янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди. Унда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида орттирилган тажрибадан хулоса чиқарилди ҳамда судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит вужудга келтирилди.

“Судлар тўғрисида”ги янги Қонуннинг моҳияти нимадан иборат?

**Биринчи ва энг асосийси** – давлат ҳокимиятининг бўлинишига оид конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, ҳокимиятининг тўлақонди мустақил тармоғи бўлган суднинг мустақиллигини таъминлашнинг мустаҳкам механизми яратилди.

Судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ваколатлари Адлия вазирлиги тасарруфидан чиқарилди. Бу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь. // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 10.

тузилган Судьяларни тайинлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига юкланди...

...**Учинчидан**, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаси махсус ваколатли мустақил орган — Адлия вазирлиги қошидаги Суд департаменти зиммасига юклатилди. Бу департамент судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунитиш тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда иш юритиши белгилаб қўйилган.

**Тўртинчидан**, “Судлар тўғрисида”ги аввалги Қонунлардан фарқли ўлароқ, янги Қонун асосида суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди...

Лекин, шу билан бирга, шунини таъкидлашимиз зарурки, ижтимоий тараққиёт одимлари, жамиятимизда рўй бераётган, узокни кўзлаб амалга оширилаётган демократик жараёнлар суд-ҳуқуқ тизимига жорий қилинаётган ислохотларни танқидий баҳолаб, уларни янада чуқурлаштиришни ва қатъиятлик билан олиб боришни талаб этмоқда»<sup>2</sup>.

Шунини алоҳида қайд этиш керакки, суд ҳокимиятининг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун унга зарур шарт-шароитлар яратилмоғи лозим. Бу ўз навбатида тегишли қонунчилик базаси мавжуд бўлиши, судларнинг юқори малакали кадрлар билан таъминланиши, ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши, судлар муносиб биноларда жойлаштирилиши ва уларни ўз вақтида таъмирлаб турилиши, мебель, компьютер ва бошқа ташкилий техник воситалари, канцелярия асбоб-ускуналари билан таъминлаш ҳамда судлар фаолиятини таъминлаш учун зарур бошқа шарт-шароитларни яратишни талаб этади. Демак, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятига кўмаклашиш вазифасини амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида атрофлича илмий таҳлил қилинишга муҳтож. Бу борадаги илмий

<sup>2</sup> Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август // Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.30-32.

тадқиқотлар судлар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва таҳлил этишга ҳамда қонунчилик ва судлар фаолиятини ташкил этиш амалиётини такомиллаштиришга йўналтирилган, илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишга имкон беради.

Афсуски, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалалари ҳамда бу фаолиятнинг амалий муоммалари фанда махсус илмий тадқиқотлар мавзуси бўлмаган. Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифасини амалга оширишни янада яхшилаш мақсадида бу борада қонунчиликда мавжуд муаммолар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келаётган масалалар илмий тадқиқ қилинмоғи лозим. Кўрсатилган ҳуқуқий муаммолар ушбу тадқиқотнинг предметини ташкил этади ва бу муаммолар ҳозирги босқичда амалга оширилаётган мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш ва либераллаштириш сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида илмий жиҳатдан жуда долзарбдир. Президент И.А.Каримов айтганидек, “қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор”<sup>3</sup>.

**Мавзунини ўрганилганлик даражаси.** Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаси Ўзбекистонлик тадқиқотчилар томонидан алоҳида тадқиқотнинг мавзуси сифатида ўрганилмаган. Шунга қарамасдан бу мавзу олимлардан Абдумажидов А.Г., Алламуратов А.Т., Мухитдинова Ф.Ф., Никифорова Е.Н., Рустамбаев М.Х., Тухташева У.А. ва бошқаларнинг илмий ишларида бошқа масалаларни

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь. // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 21.

ўрганишда бир қадар ёритилган. Чет эл олимларидан Гуценко К.Ф., Ковалёв М.А., Клеандров М.И., Лебедев В.М., Изварина А.Ф., Петрухин И.Л. ва бошқа муаллифларнинг асарларини кўрсатиш мумкин<sup>4</sup>. Аммо, бизни қизиқтираётган масала бошқа муаммолар юзасидан илмий тадқиқот олиб боришда кўриб чиқилган. Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифасини тадқиқ этиш тегишли назарий қоидаларни ишлаб чиқиш, шунингдек кўрсатилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифасининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган. Кўрсатилган ҳолатлар диссертация тадқиқоти мавзусини танлашга асос бўлди.

**Магистрлик ишининг мақсади ва вазифалари.** Магистрлик ишининг мақсади судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаларининг тушунчаси, мазмуни ва аҳамиятини очадиган назарий қоидаларни ишлаб чиқиш, судлар фаолиятини таъминлаш вазифаларини илмий асослантириш ва такомиллаштириш, илмий таҳлил асосида судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаларини амалга оширилишини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдир.

**Магистрлик ишининг вазифалари:**

- ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг тушунчаси ва белгиларини кўриб чиқиш;
- судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаларини тартибга солиш бўйича хорижий мамлакатлар амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг вазифаларидан бири сифатида илмий ўрганиш;

---

<sup>4</sup> Кўрсатилган ва бошқа муаллифларнинг асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

- судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаларининг ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиш;

- Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг фаолиятини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқиш;

- амалга оширилаётган ислоҳотлар муносабати билан судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаларини таҳлил қилиш;

- судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаларининг амалга оширилишини такомиллаштириш масалаларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** - ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти функциялари тизимида судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифалари (функциялари).

**Тадқиқотнинг предмети** – судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни амалга оширилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки унда:**

- биринчи марта судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаси (функцияси) илмий-тадқиқ этилмоқда;

- судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифасининг (функциясининг) тушунчаси ва аҳамияти ҳақида илмий қарашлар баён этилмоқда;

- судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифасининг (функциясининг) элементлари ва уни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари илмий тадқиқ қилинган;

-судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифасини (функциясини) амалга ошириш борасидаги хорижий мамлакатлар амалиёти кўриб чиқилган;

- судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифасини (функциясини) амалага оширишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** - судлар фаолиятини ташкил этиш ва таъминлаш соҳасидаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш жараёнида қўллаш имкониятини беради.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми** тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан. У кириш, икки боб, 8-параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **1-БОБ. СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ, МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**

### **1.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифалари тизимида судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан таъминлаш вазифасининг роли ва ўрни**

Судлар фаолиятининг ташкилий ва моддий-техника таъминоти тартиби ҳамда шартлари эркин ва мустақил суд ҳокимиятини тавсифлайдиган элементлардан биридир. Чунки ҳар қандай мамлакатда суд тизимининг таъминланиши қандай даражада ташкил этилганлиги шу жамиятдан суд ҳокимиятининг давлат механизмида тутган роли ва ўрнига муносабат қандай эканлигидан дарак беради<sup>5</sup>.

Шу билан бирга, кўпгина олимлар мазкур фаолиятни ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг мустақил функцияси (йўналиши) сифатида назарда тутадилар.

Авваламбор “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти” тушунчаси нимани англатади деган масалани кўриб чиқамиз. “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари” дарслигининг муаллифлари Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н адабиётда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти нима, унинг тавсифий белгилари нималардан иборатлиги ҳақида бир хил фикр йўқ деб такидлайдилар<sup>6</sup>.

Кўрсатилган муаллифлар ушбу тушунча нисбатан ёш тушунча бўлиб, юридик муомалага 50-йиллар охири - 60-йиллар бошларида кириб келган деган фикрни билдирадилар.

<sup>5</sup> Судебная власть/Под ред. И.Л.Петрухина. – М.: ООО «ТК Велби», 2003. – Б. 545.

<sup>6</sup> Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. – Т.:ТДЮИ, 2005. – Б. 11.

“Ҳуқуқни муҳофаза қилиш” тушунчаси шакилланиб улгурмаганлиги туфайли, бу тушунча атрофида ҳозиргача қизгин бахслар давом этмоқда, турли мулоҳазалар айтилмоқда<sup>7</sup>. Шунга қарамасдан олимлар (Рустамбаев М.Ҳ. ва Никифорова Е.Н.) ушбу давлат фаолияти турининг белгиларини амалда мавжуд бўлган илмий қарашлар асосида умумлаштирган ҳолда ажратиб кўрсатганлар<sup>8</sup>. Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти қуйидаги белгиларга эга:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти махсус ваколатга эга бўлган, таркиби, тузилиши ва фаолияти қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти фуқаролар, жамият, давлатни жинойи ва бошқа таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти қонун билан белгиланган қатъий тартибда амалга оширилади. Ваколатли орган (мансабдор шахс) у ёки бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш чорасини қўллаш ёки қўлламаслик масаласини ҳал қилишда ўша ҳолат бўйича қонун билан белгиланган қоидаларга, жиноят ёки фуқаролик суд ишларини юритиш қоидаларига, суриштирув ёки дастлабки тергов олиб бориш қоидаларига ва бошқа қоидаларига риоя қилишга мажбур.

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти фақат давлатнинг мажбурлов ёки жазо чораларини ҳамда бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш орқали амалга оширилади.

5. Ҳуқуқий таъсир чораси бу таъсир чораларини қўллаш асосларини, шунингдек қайси ҳолатда қандай таъсир чорасини қўллашни белгиловчи қонунга қатъий мувофиқ бўлиши лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг юқорида келтирилган белгиларидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, судлар фаолиятини

<sup>7</sup> Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов и факультетов. 2-е изд., испр. и доп. М.: Зерцало, ТЕИС, 1996. – Б. 8.

<sup>8</sup> Рустамбаев М.Ҳ., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. – Т.:ТДЮИ, 2005. – Б.15-18.

ташкилий таъминлаш вазифасини том маънода ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг йўналишларидан бири дейиш қийин. Аммо, шунга қарамасдан бу вазифа одил судлов вазифасини амалга оширишни таъминлаш масаласида кўмаклашувчи вазифа сифатида муҳим аҳамиятга эга. Юқорида кўрсатилганидек судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тартиби ва шартларни одил судловни амалга оширувчи суд ҳокимиятининг эркинлиги ва мустақиллигини тавсифловчи муҳим элементлардан биридир. Кўриб турганимиздек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ўз мазмунига кўра бир йўналишли эмас ва унинг кўп тармоқли эканлиги, мазмуни давлат фаолиятининг ушбу турининг белгилаб қўйилган асосий йўналишларидан келиб чиқадиган, бажариладиган ижтимоий вазифаларнинг ҳилма-ҳиллигида намоён бўлади<sup>9</sup>.

Шу муносабат билан биз ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти йўналишларини (вазифаларини) асосий ва кўмаклашувчи йўналишларга бўлишликни таклиф этамиз. Асосий йўналишларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг юқорида санаб ўтилган барча белгиларига эга бўлган (конституциявий назорат, одил судлов, прокурор назорати, жиноятларни аниқлаш ва тергов) вазифалар кирса, кўмаклашувчи йўналишларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг барча белгилари тўлиқ хос бўлмасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишларини амалга оширишга ёрдам берувчи вазифалар (судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва жиноят ишлари бўйича ҳимояни амалга ошириш) киради.

Шундай қилиб, бизнинг назаримизда судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига кўмаклашувчи вазифаларни амалга оширади.

Судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш тушунчасининг нимани

---

<sup>9</sup> Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. – Т.:ТДЮИ, 2005. – Б.18.

ангатишини имкон даражасида батафсил кўриб чиқамиз. Ҳозирда судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш дейилганда суд фаолиятини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратишга, уни кадрлар билан, ташкилий ва ресурслар билан таъминлашга йўналтирилган чораларни амалга ошириш тушунилади<sup>10</sup>. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ушбу йўналиши моҳияти Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида юқорида кўрсатилгандек умумлаштирилган ҳолда баён қилинган.

Судларнинг фаолиятини ташкилий ва моддий-техник жиҳатидан таъминлаш тушунчаси “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг бошқа моддаларида, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида Низомда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2006 йил 17 мартдаги №ПФ-3725-сонли Фармони ва шу фармон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида”ги 2003 йил 27 августдаги Қарори шу қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида”ги 2001 йил 22 сентябрдаги 383-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Низоми ва бошқа қонун ҳужжатларида янада аниқлаштирилган.

---

<sup>10</sup> Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. – Т.:ТДЮИ, 2005. – Б.290.

Шундай қилиб судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш тушунчаси бир неча элементлардан иборат<sup>11</sup>:

1) ташкилий тусидаги чора-тадбирлар. Уларнинг асосий мақсади – судьялар захирасини шакллантириш ва судьялик лавозимларига номзодларни танлашдир;

2) молиявий тусидаги чора-тадбирлар: а) судьялар ва суд аппарати ходимларини тегишли пул таъминоти билан таъминлаш доир чора-тадбирлар; б) судларни тегишли капитал қурилиш ва бошқа шунга ўхшаган мақсадларда молиялаштиришга доир чора-тадбирлар;

3) моддий-техника тусидаги чора-тадбирлар (ташкилий техника, канцелярия ва шунга ўхшаган бошқа материаллар билан, шунингдек электр энергияси, сув таъминоти ҳамда иситиш тармоқлари билан судларни фактик таъминлаш);

4) одил судловни тўлиқ ва мустақил тарзда амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Шуни такидлаб ўтиш жойиз-ки “Хуқукни муҳофаза қилиш органлари” дарслиги муаллифлари судлар фаолиятини ташкилий таъминоти функциялари асосларини суд ҳокимиятини таъминловчи ва қарорларини амалга оширувчи 3 тур ўзига хос вазифаларга бўлишади:

1) *Кадрлар танлаш функцияси:*

— суд тизими учун кадрларни танлаш ва уларни тайёрлаш, малакасини ошириш, судьялар мустақиллиги ва уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш;

— судлар моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ишларини ташкил қилиш;

<sup>11</sup> Элементларга бўлиш Е.Б.Абросимова хулосасига асосланган. Қаранг: Судебная власть / Под ред. И.Л.Петрухина. – М.: ООО «ТК Велби», 2003. – Б. 543.

— процессуал характерга эга бўлган фаолият билан шуғулланувчи органлар ва шахслар билан ташкилий алоқаларни ўрнатиш:

2) Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар (гувоҳлар, эксперт, мутахассис давлат бошқарув органларининг вакиллари ва бошқалар)ни жалб қилиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

— суд мажлисларида тартибни сақлаш;

— суд ишларини ўз вақтида ҳал қилинишини таъминлаш.

3) Ишларни кўриш натижасида қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкилий жиҳатдан таъминлаш функцияси<sup>12</sup>.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш суднинг мустақиллик ва фақат қонунга бўйсунуш тамойилига зид бўлмаслиги лозим.

Судларнинг фаолиятини ташкилий таъминлаш вазифаси ўзида қамраб олган юқорида санаб ўтилган ва бошқа бир қатор вазифаларни бажариш, қонуннинг сўзсиз талабига кўра судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши принципига тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу вазифанинг моҳияти судлар суд ҳокимияти органи сифатида эга бўлган ваколатларни, аниқса одил судловни амалга ошириш ваколатини амалга оширишга ҳар тарафлама кўмаклашишдан иборатдир.

Биз судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш вазифасини ташкил этувчи элементларни мазкур диссертацияда таҳлил этган ҳолда бу вазифани (функцияни) судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаси (функцияси) деб аташликни таклиф этамиз.

Ушбу ишда Ўзбекистон Республикасининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини таҳлил этиш орқали судларнинг фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифасини (функциясини) ташкил этувчи элементларни кўриб чиқамиз.

<sup>12</sup> Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. – Т.:ТДЮИ, 2005. – Б.290-291.

## 1.2. Ташкилий чора-тадбирлар

Турли ҳил муассасалар, ташкилотлар, идоралар ва бошқаларнинг иш амалиёти шундан далолат берадики, уларнинг фаолияти натижалари кўп жиҳатдан уларга ким бошчилик қилаётганлигига боғлиқ. Бу судларнинг ишига ҳам тўлиқ таълуқлидир. Бу омилнинг аҳамияти иқтисодий барқарорликка хавф бўлган, суд тизими етарли даражада молиялаштирилмаётган, жиноий, фуқаролик ва маъмурий ишлар сони сезиларли даражада ошган, судьялар ва суд девони ходимларининг амалдаги юқламаси белгиланган ҳажимлардан 3 баробардан кўпроқ ошган шароитда айниқса юқори бўлади<sup>13</sup>. Ўзбекистонда судьяларнинг иш юқламаси нормативлари ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Шунини қайд этиш керакки судьялар томонидан бажариладиган иш ҳажми йилдан йилга ошмоқда. Бу табиий чунки фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ошган сари улар ўзларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларидан кенгрок фойланмоқдалар. Мисол учун фуқаролик судлари томонидан кўрилатган ишлар сони 2005 йилда 2001 йилга нисбатан 3,9 баробар ошган, бу фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг ойлик иш юқламасининг 5 баробарга ошишига олиб келди. Шу муносабати билан судларнинг фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифасини амалга оширишда ташкилий тусидаги чора-тадбирлар элементи алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунига биноан умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари фаолиятини ташкилий (кадр) жиҳатидан таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши принципларига катъий риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан амалга оширилади,

---

<sup>13</sup> Алексеева Л.Б., Андреев В.И. и др. Настольная книга. Введение в профессию. М., 2000. – Б. 40.

бу эса қўйи инстанция судларининг юқори турувчи инстанция судларидан мустақиллигини кафолатлайди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштириш, шунингдек судьяликка номзод бўлган шахслар бўйича ва судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш бўйича тегишли таклифларни киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги Ф-1038-сонли Фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилди<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 майдаги Фармони билан Судьяларни тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига айлантирилди.

Комиссия суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштиришни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги доимий ишловчи орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга мувофиқ Комиссия зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатидан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий

---

<sup>14</sup> Мухитдинова Ф.Ф. Демократизм и социальная справедливость при подборе судебных кадров // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. – 2002. – № 3-4. – Б. 82.

судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, харбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьяларини тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш вазифалари юкланади.

Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кадрлар сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда кўрсатилган Низом асосида судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi тамойилларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширади.

Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- судья кадрларни танлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тасдиғига тақдим этишда қонунийликни таъминлаш;

- судьялар мустақиллиги ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- судьялик лавозимларига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги ишларни яхшилаш ҳамда судья кадрларни тарбиялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- судьяликка номзодларни танлаб олишнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш, уларнинг касб маҳоратини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ишларнинг очиқ-ойдинлиги ва ошкоралигини, бу ишнинг вертикал бўйича ҳисобот берилишини таъминлаш, шунингдек бу соҳада хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш;

- судьялар заҳирасини шакллантириш, уларни танлаш ва номзодларни лавозимларга тақдим этиш масалалари бўйича судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

- судлар фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатидан таъминлаш;

- судьяларни танлаш ва тайинлаш борасида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва Комиссиянинг иш амалиётига татбиқ этиш.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ўн етти кишидан иборат таркибда ташкил этилади ҳамда Комиссия раиси, раис ўринбосари ва аъзолардан ташкил топади.

Комиссия раиси ва унинг ўн бир нафар аъзоси беш йил муддатга тасдиқланади ва ўз фаолиятларини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

Комиссия раисининг ўринбосари ва тўрт нафар аъзоси ўз фаолиятларини доимий асосда амалга оширадилар.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, Олий суди, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар, шунингдек, жамоатчилик вакилларидан шакллантирилади.

Комиссия фаолияти Комиссия аъзоларининг коллегиялиги ва тенг ҳуқуқлилиги, Комиссия ваколатига кирувчи масалаларнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ҳал этилишини таъминлаш тамойилларига асосланади.

Комиссия қонунга асосан кадрларни судьялик лавозимларига тайинлашга тавсиянома тайёрловчи охириги босқич ҳисобланади.

2007 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Харбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги

Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида<sup>15</sup>ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун судларнинг янада мустақиллигини таъминлашга, суд соҳасидаги кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришга, судьяларнинг малакасини ошириш масалаларини ҳал қилишга, шунингдек судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Кўрсатилган қонун билан киритилган ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини шакллантириш тартибини аниқлайдилар, унинг сон таркибини, комиссия аъзоларининг ваколат муддатини, шунингдек улар томонидан ўз фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди. Мазкур комиссия бундан буён судьялар малака ҳайъатлари раисларининг судья кадрлар билан олиб борилаётган ишларнинг аҳволи ҳақидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориши, шунингдек уларни эгаллаб турган лавозимдан озод этиш ҳақида тақдимнома киритиши назарда тутилган.

Судьялик лавозимларига номзодлар заҳирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашда муҳим масалалардан биридир. Қайд этилган қонунда суд ҳокимиятини шакллантиришнинг демократик принциплари назарда тутилган. Хусусан, судьялик лавозимларига номзодлар заҳирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш масалалари билан ҳозирги кунда судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари шуғулланадилар. Фақат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида махсус курсларни тамомлаганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлган шахслар судьяликка номзодлар бўлишлари мумкинлигини белгилайдиган меъйёр ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Умуман, мазкур қонун судлар фаолиятини ташкилий жиҳатидан таъминлашни такомиллаштиришга, судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятида судья кадрларнинг заҳирасини шакллантириш

---

<sup>15</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й., 29-30-сон, 296-модда.

ва уларни танлашда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳамда бошқа йўсиндаги қоидабузарлик фактларини бартараф этишга йўналтирилган.

### **1.3. Моддий-техника ва молиявий чора-тадбирлар**

Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифасининг асосий ва таркибий элементларидан бири моддий-техника ва молиявий тусидаги чора-тадбирлардир.

Моддий-техника ва молиявий чора-тадбирлар қуйидаги вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган.

- судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ишларини ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал маблағлар самарали ўзлаштирилишини таъминлаш ҳамда судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўриш.

Мазкур вазифаларни бажаришга Суд департаментининг пухта ўйлаб ташкил этилган тузилмаси ҳам йўналтирилган.

Суд департаменти юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига ҳисоб беради. Суд департаментнинг тузилмасида ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси, кадрлар бўлими, судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бошқармаси ва унинг таркибига кирган судларни молиялаш, капитал қурилиш ва асосий фондлардан фойдаланиш ҳамда судларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш бўлимлари, шунингдек суд қарорларини ижро этиш бошқармаси назарда тутилган. Бундан ташқари, суд қарорлари ва бошқа органлар қарорлари ижросини ташкил этиш, шунингдек жойларда судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш

мақсадларида жойларда Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари ташкил этилди. Суд департаментининг ҳар бир ҳудудий бошқармасида судларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш масалалари бўйича катта мутахассис штати назарда тутилган.

Моддий-техника ва молиявий тусидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Низомда Суд департаменти ҳудудий бошқармасининг куйидаги вазифаларни белгиланган:

- судларнинг бинолари, иморатлари ва бошқа объектларини қуриш ва таъмирлашни ташкил этиш ва бу ишларни амалга ошириш, ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш;

- судларни техника, асбоб-ускуналар, автотранспорт, мебель ва бошқа зарур моддий-техника воситалари билан таъминлаш.

Суд департаменти одил судловни амалга ошириш жараёнига аралаштишга ҳақли эмаслиги Департамент тўғрисидаги Низомда алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Судларнинг жорий фаолиятини маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти республика бюджети, шунингдек Ўзбекистон Республикаси судлар ва адлия органлари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Судларни навбатдаги молия йилида маблағ билан таъминлаш тўғрисидаги таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлари ва жиноят ишлари бўйича судларининг эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда Суд департаменти директори томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Суд департаменти бюджет маблағлари тақсимланишини ҳамда ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда судларга етказилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили бюджетни шакллантиришда республика бюджетига Департамент ва судлар фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун зарур бюджет маблағлари алоҳида сатрда ажратилишини назарда тутиши шарт.

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши масаласига ҳам алоҳида тўхтатишимиз лозим. 2003 йил 18 мартда судлар, адлия органлари ва муассасаларининг (кейинги ўринларда адлия органлари деб юритилади) моддий-техника таъминотини яхшилаш, улар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек амалдаги Судлар ва адлия органларини ривожлантириш, Ижро ишини ривожлантириш жамғармалари маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига<sup>16</sup> мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Судлари ва адлия муассасаларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судларини ривожлантириш, Ижро ишини ривожлантириш жамғармалари негизида ягона Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилди.

Умумий юрисдикция судлари биноларини қуриш ва таъмирлаш, уларни зарур анжомлар, компьютерлар ва бошқа замонавий ташкилий-техника воситалари билан таъминлаш Жамғарманинг биринчи навбатдаги вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарорининг 3-бандига биноан Жамғарма маблағлари шунингдек:

- хўжалик судларини ва адлия органларини, шу жумладан нотариатни, ФХДЁни ва суд ижрочиларини моддий-техник таъминлашга;

---

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сонли “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2003 й., 5-6-сон, 54-модда.

- судлар ва адлия органлари ходимларига малака класслари, даражалари ва муайян вақт давомида ишлаганлиги учун устама ва кўшимча ҳақ тўлашга, уларнинг малакасини оширишга, кадрларни ўқитишга;

- судлар ва адлия органлари ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга;

- судлар ва адлия органлари фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларга йўналтирилади.

Жамғарманинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида жамғарма маблағларини шакллантириш, Жамғарманинг вазифалари, молия маблағлардан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, Жамғарма фаолиятини бошқариш тартиби ва шартлари каби масалаларни назарда тутган Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди.

Жамғарма маблағлари:

- умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божлари тўлашдан давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг 20 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

- хўжалик судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича давлат божлари ва жарима санкцияларини тўлашдан давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг 15 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

- адлия органлари, шу жумладан ФХДЁ органлари томонидан ундириладиган давлат божи суммаларидан 20 фоиз, давлат нотариуслари томонидан ундириладиган давлат божи суммаларидан эса 15 фоиз миқдоридаги ажратмалар;

- адлия органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларни, адвокатлик бюроларини, фирмаларни, ҳайъатларни, хусусий нотариал идораларни рўйхатдан ўтказганлик, нотариал ва адвокатлик фаолиятини лицензиялаганлик, юридик кадрларни малака аттестациясидан ўтказганлик

учун ундириладиган маблағлар, шунингдек адлия органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида ундириладиган жарималар;

- ижро иши бўйича бюджетга ундирилган суммадан 30 фоиз миқдоридаги ажратмалар, солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзлар ундирилишидан ташқари;

- ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушадиган маблағларнинг 10 фоизи, шунингдек солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзларни ундириш бўйича;

- суд ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йиғимлари маблағлари;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандида назарда тутилган ҳолларда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг депозит ҳисобига ўтказиладиган очик аукционда иштирок этиш учун киритилган закатлар;

- мол-мулкни сотиш ёки баҳолаш бўйича ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаган (лозим даражада бажармаган) биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари, бошқа шахслардан ундириладиган жарималар ва пенялар;

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Жамғарма тўғрисидаги Низомда Жамғарма маблағлари қайси тадбирларга йўналтирилиши аниқ белгиланган. Низомнинг 4-бандига асосан Жамғарма маблағлари:

а) судлар ва адлия органлари бинолари ва хоналарини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлашга, уларни зарур анжомлар, компьютерлар ва бошқа замонавий ташкилий-техника воситалари билан таъминлашга;

б) судлар ва адлия органлари техника воситаларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашга;

в) судьяларга (Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан ташқари) малака класслари ҳамда муайян йил ишлаганлиги учун устамалар ва қўшимча ҳақ тўлашга;

г) адлия органлари ходимларига даража класслари ҳамда муайян йил ишлаганлиги учун устамалар ва қўшимча ҳақ тўлашга;

д) судлар ва адлия органлари ходимларини моддий рағбатлантиришга ва ижтимоий муҳофаза қилишга (уй-жой қуриш, санатория-курорт ва тиббий хизмат кўрсатиш, маошларга устамалар ва қўшимча ҳақ белгилаш, моддий ёрдам кўрсатиш);

е) кадрлар малакасини оширишга, уларни ўқитишга, тегишли адабиётлар ва матбаа нашрлари билан таъминлашга;

ж) судларнинг (судьялардан ташқари) ва адлия органларининг қўшимча ходимлари таъминотиغا;

з) судьяларни ва адлия органлари ходимларини формали кийим-бошлар билан таъминлаш ҳаражатларини молиялаштиришга;

и) Жамғарма захирасини яратишга;

к) судлар ва адлия органлари фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларга йўналтирилади.

Жамғарма маблағлари уларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали ажратган ҳолда Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказига ҳам йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сонли Қарорида Жамғармага келиб тушган ижро йиғимлари, суд

ижрочилари томонидан ундирилган жарима суммалари, шунингдек биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари ва ўзга шахслар томонидан мол-мулкни баҳолаш ёки сотишда зиммасига олинган шартнома мажбуриятларни бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) учун жарима ва пенялар Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, суд ижрочиларини моддий рағбатлантириш, шунингдек суд ижрочилари фаолиятини ва мажбурий ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун ишлатилиши назарда тутилган.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш судларни ва адлия органларини ривожлантириш дастурларини маблағ билан таъминлаш орқали амалга оширилиши, ушбу дастурлар ҳар йили маблағлар ва буюртманомалар тушиши прогнози асосида шакллантирилиши Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомининг 7-бандида мустаҳкамланган.

Дастурда судлар ва адлия органлари бинолари ва хоналарини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш муддатлари ва ҳажмлари; уларни жиҳозлар, транспорт воситалари, компьютерлар ва бошқа замонавий ташкилий-техника воситалари билан таъминлаш, шунингдек судлар ва адлия органларини ривожлантириш бўйича бошқа тадбирлар назарда тутилади.

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш дастури, уларни маблағ билан таъминлаш ҳажмлари ҳамда Жамғарманинг захирага қўйиладиган ҳар йилги қисми миқдори Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланади.

Суд органларини молиялаштириш учун маблағлар ажратиш масаласини ҳал этиш тартиби тамоилларини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин: 1) буюртномани бериш; 2) буюртномани кўриб чиқиш; 3)

буюртномани кўриб чиқишнинг натижалари; 4) ҳисобот<sup>17</sup>.

Молиялаш учун маблағлар ажратиш масаласини ҳал қилиш тартибини кўриб чиқамиз.

**1) Буюртманомани бериш.** Жамғармадан маблағлар ажратиш юзасидан буюртманомаларни кўриб чиқадиган ҳамда мазкур буюртманомани юборишга ваколати бўлган субъектлар қонунчиликда аниқ белгиланган. Адлия вазирлиги, Олий суд, Олий хўжалик суди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти буюртманомани юборишга ваколати бўлган субъектлар ҳисобланади. Жамғармадан маблағлар ажратиш юзасидан буюртманомаларни кўриб чиқадиган субъект буюртманомаларни йиғадиган ва Кузатувчи кенгаш томонидан кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлайдиган Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясидир. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига Ижро этувчи директор раҳбарлик қилади, у Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Жамғарма маблағлари тўпланиши ва сарфланишини тезкор бошқаришни амалга оширади. Жамғарманинг Ижро этувчи директори Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради. Мазкур жавобгарликни инобатга олган ҳолда, Ижро этувчи директор ўз мажбуриятларини самарали бажариш мақсадида зарур ҳолларда маблағлар ажратишга тушган буюртманомалар бўйича қўшимча маълумотлар олишга ҳамда ундирилган ва Жамғармага ўтказиладиган пул маблағларининг амалда тушган суммаси бўйича тегишли ташкилотлардан ахборотлар ва статистика маълумотларини сўраб олишга ҳақли.

**2) Буюртманомани кўриб чиқиш.** Тушган буюртманомалар

---

<sup>17</sup> Ушбу бўлиниш Рустамбаев М.Х., Тухташева У.А. томонидан таклиф этилган. Бу ҳақида батафсил қаранг: Рустамбаев М.Х., Тухташева У.А. Судебная власть и судебнo-правовая реформа в Республике Узбекистан: научно-публицистическое издание. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2008. – Б. 136-145.

умумлаштирилиб, кўриб чиқиш учун Жамғарма фаолиятини бошқарадиган Жамғарманинг Кузатувчи кенгашига киритилади. Жамғарманинг Кузатувчи кенгашига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири раҳбарлик қилади, у Жамғарма Кузатувчи кенгашининг раиси ҳисобланади. Кузатувчи кенгаш таркибига лавозимига кўра Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ва Жамғарманинг ижро этувчи директори киради.

Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши ҳар чоракда камида бир марта мажлис ўтказиши белгиланган. Зарур ҳолларда Жамғарма Кузатувчи кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари чақирилиши мумкин.

Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши мажлиси унда Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

**3) Бюртманомани кўриб чиқишнинг натижалари.** Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича қарор Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва Жамғарма Кузатувчи кенгаши раиси томонидан имзоланади. Ижро этувчи дирекция Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши қарорлари бўйича маблағларни юқорида кўрсатиб ўтилган идораларга қабул қилинган қарорга мувофиқ фойдаланиш учун ўтказиши. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Кузатувчи кенгаш қарорларини судлар ва адлия органларига етказишга, Кузатувчи кенгаш қарорларини ўз вақтида ижро этишга ҳамда Жамғарманинг ажратилган маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш, унинг мониторингини амалга оширишга мажбур. Шу билан бирга, Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Жамғарманинг ажратилган маблағларидан мақсадли фойдаланилишини текширишга, маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда молиялаштиришни тўхтатиб туриш, кейинчалик

ушбу масалани Кузатувчи кенгашга кўриб чиқиш учун киритишга ҳақли.

**4) Ҳисобот.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди ва Департамент Жамғарманинг Кузатувчи кенгашига Жамғарманинг ажратилган маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади. Бундан ташқари, бевосита Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Кузатувчи кенгашга ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши бўйича ҳисобот тақдим этишга мажбурдир.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этилади.

Хулосада яна бир марта таъкидлаб ўтамиз, Жамғарма маблағларини тўплаш ва улардан фойдаланиш тартиби Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланади. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Бизнинг назаримизда судларни ахборотлаштириш ва судлар фаолиятида компьютер технологияларидан фойдаланиш судларнинг фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашнинг тарқибий қисми сифатида қаралиши лозим.

Судларни ахборотлаштириш комплекс тарзда амалга оширилиб, тизимли тусга эга бўлган тақдирдагина самарали ҳисобланиши мумкин<sup>18</sup>.

Бизнинг фикримизча, судларда компьютер технологиялардан фойдаланиш судлар томонидан қабул қилинаётган суд қарорларининг қонуний ва асосли бўлишига ёрдамлашади ҳамда суд ҳужжатларини расмийлаштириш сифатини оширади; суд муҳокамасига тайёргарлик

<sup>18</sup> Қаранг: Организация деятельности судов: Учебник / Под общ. ред. В.М.Лебедева. – М.: Норма, 2007. – Б. 470.

кўришда суд ҳужжатларини йиғиш ва расмийлаштириш тезкорлигини яхшилайти; суд ходимлари ва Суд департаменти тизими ходимларининг электрон кутубхона маълумотларидан эркин фойдаланишини таъминлайти; ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиради, шикоятларини кўриб чиқишда янги ахборот технологиялари шу жумладан, видео конференция алоқалари воситаларидан фойдаланиш имкониятини яратади; судда иш юритиш жараёнининг самарадорлигини оширади; судьяларнинг ҳаракатдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича маълумотлардан эркин тезкор фойдаланиш имкониятини таъминлайти; судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник ва молиявий таъминлаш ҳақида ахборот олишининг самарадорлигини оширади; бутун суд тизими ишининг очиқлигини оширади.

Суд тизимида ахборот инфраструктурасини яратиш ва унинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашлик учун қуйидаги бир-бири билан боғлиқ вазибаларни ҳал қилиш лозим.

1) судлар фаолиятида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишлик учун зарур норматив-ҳуқуқий база яратилиши;

2) судлар фаолияти ва суд тизимини ахборотлаштиришнинг тизимли ташкилий лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бу тизимнинг компьютер техникасини қўллаган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқарув органи ва фуқаролар билан ўзаро муносабат ўрнатишини назарда тутиш;

3) суд ва Суд департаменти тизимида ахборотлаштириш воситалари мажмуасини (комплексини) жорий қилишлик, уларнинг иш фаолиятини ва самарали фойдаланишини таъминлаш учун зарур молиявий ва моддий-техник шароитлар таъминланиши;

4) суд тизимида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни янги ахборот технология асосларида ташкил этиш, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш услубларини жорий этиш.

Шубҳасиз, компьютер техникаси судлар фаолиятининг барча

жабҳаларида кундан-кунга кўпроқ рол ўйнай бошлайди. Компьютер техникаси хизмат ҳужжатларини тайёрлашдан тортиб суд ишини ташкил этиш ва назорат қилиш, бошқа ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш, фуқароларнинг одил судловдан эркин фойдаланилиши ва унинг жамоатчилик учун очиқлигини таъминлашда борган сари муҳим рол ўйнай бошлайди.

#### **1.4. Одил судловни тўлиқ ва мустақил тарзда амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган бошқа чора-тадбирлар**

Одил судловни тўлиқ ва мустақил тарзда амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган бошқа чора-тадбирларнинг мавжудлигини қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили исботлайди:

1) Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 29 августдаги 258-П-сонли “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни<sup>19</sup>;

2) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1653-сонли “Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори<sup>20</sup>; Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқнома;

3) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1654-сонли “Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш

<sup>19</sup> “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 2001 й., 9-10-сон, 169-модда.

<sup>20</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й., 3-сон, 29-модда

ҳақида”ги қарори<sup>21</sup>; Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1655-сонли “Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори<sup>22</sup>; Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома.

Аммо, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган нормалар, хусусан судьялар мустақиллигининг асосий кафолатларини мустаҳкамлайдиган Қонуннинг 8-боби ва судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминотини тарбибга соладиган 9-боби одил судловни тўлиқ ва мустақил тарзда амалга ошириш учун энг аҳамиятлидир. Мазкур масалалар олдинги бобда батафсил кўриб чиқилди, шу туфайли юқорида санаб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ва Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган одил судловни тўлиқ ва мустақил тарзда амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган бошқа чора-тадбирларда тўхтатиламиз.

I. Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқнома. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини

<sup>21</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й., 3-сон, 30-модда.

<sup>22</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й., 3-сон, 31-модда.

моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари билан ички ишлар органларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш (кейинги ўринларда матнда – ижро ҳаракатлари) жараёнида жамоат тартибини таъминлаш бўйича ўзаро ҳамкорлиги тартибини белгилайди.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда жамоат тартибини таъминлаш жараёнининг қуйидаги босқичлари йўриқномада назарда тутилган:

*1. Тайёрлов ҳаракатлари.* Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш талаб этилса, суд ижрочиси бу ҳақда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлими катта суд ижрочисига (кейинги ўринларда матнда – катта суд ижрочиси) маълум қилади.

Катта суд ижрочиси шу куннинг ўзида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи номига ёзма талабнома билан мурожаат қилади. Бунда ёзма талабнома қоида тариқасида ижро ҳаракатларини амалга оширишдан бир кун олдин юборилиши лозим.

*2. Ёзма талабнома.* Катта суд ижрочисининг ёзма талабномасида ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун асос, ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жой ва сана, ижро ҳаракатларини амалга ошириш муддатлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

*3. Ёзма талабномани кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилиш.* Туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи катта суд ижрочиси томонидан юборилган ёзма талабномани олгач, ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимларини белгилайди. Бунда ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органи ходимларининг сони икки кишидан кам бўлмаслиги лозим.

Ижро ҳаракатлари жараёнида икки кишидан кўп бўлган миқдорда ички ишлар органлари ходимлари талаб этилса, ижро ҳаракатларида иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимларининг миқдори катта суд ижрочиси томонидан туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ички ишлар органлари ходимларининг ижро иши юритувида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатларнинг йўриқномада назарда тутилганлигини таъкидлашимиз лозим. Ички ишлар органлари ходими ижро иши юритуви тарафларининг, улар вакилларининг ёки ижро иши юритишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса ёхуд ижро иши юритиш натижасидан манфаатдор бўлса ёки унинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, суд ижрочиси томонидан ижро иши юритишда иштирок этишига йўл қўйилмайди ва у рад қилинади.

Ички ишлар органлари ходими юқорида кўрсатилган ҳолатлар бўйича рад қилинган тақдирда, суд ижрочиси бу ҳақда ижро ҳаракатлари бўйича тузиладиган далолатномага тегишли қайд киритиб, мазкур ходимни ижро ҳаракатини амалга оширишда иштирок этишдан четлаштиради ва ижро ҳаракатини амалга оширишда иштирок этишдан четлатилмаган ички ишлар органи ходимлари билан ижро ҳаракатларини давом эттиради.

Ички ишлар органлари барча ходимларининг ижро ҳаракатларини амалга оширишдаги иштироки рад қилинган тақдирда, суд ижрочиси томонидан туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи номига ушбу ходимларни бошқа ходимлар билан алмаштириш тўғрисида ёзма талабнома юборилиши шарт. Ёзма талабномада ички ишлар органлари ходимларининг ижро ҳаракатларини амалга оширишдаги иштирокини рад қилиш сабаблари асослантилган бўлиши керак.

Талабнома тақдим этилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан бажарилиши лозим.

*4. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш.* Ижро ҳаракатларини амалга

оширишда иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимлари туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғига юборилган ёзма талабномада кўрсатилган жойга ўз вақтида етиб келишлари лозим. Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жойга етиб келиб, улар жамоат тартиби сақланишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўрадилар.

Ички ишлар органлари ходимлари ижро ҳаракатлари амалга оширилишида қуйидагиларни бажаради:

- ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жойга ижро иши юритувида алоқадор бўлмаган шахсларни киритмайди;

- зарурият туғилганида, ижро иши юритувида иштирок этаётган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан танишиб чиқади;

- ижро иши юритилаётган жойда ишга алоқадор ҳужжатлар, ашёлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, қарздорлардан ундирилган пул маблағлари ва қимматбаҳо буюмлар, шунингдек бошқа мол-мулкларнинг бутлигини таъминлайди;

- суд ижросининг ижро ҳаракатларини амалга ошириш юзасидан берган талабларини бажаради.

Суд ижрочиси томонидан ижро ҳаракатлари амалга оширилиши вақтида қарздор ёки бошқа шахслар ўзларининг ҳаракатлари билан ижро ҳужжатларини ижро этишга тўсқинлик қилганларида ички ишлар органлари ходимлари зудлик билан тўсқинликларни бартараф этиш чораларини кўриши зарур.

Қарздор ва бошқа шахслар суд ижрочиси ёки ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларини бажаришдан бўйин товласалар, бу ҳақда далолатнома тузилиши шарт, тегишли материаллар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши учун ижро ҳаракатлари амалга оширилган жойдаги жиноят ишлари бўйича судга топширилиши керак.

Ички ишлар органлари ходимлари ижро ҳаракатларида улар тамом

бўлгунга қадар иштирок этадилар. Суд ижрочиси ижро ҳаракатлари тамом бўлгани тўғрисида ички ишлар органларининг лавозими бўйича юқори турувчи ходимини хабардор қилади.

5. *Ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг мустаҳкамланиши.* Ижро (ҳаракатлари амалга оширилганда ёки уларни амалга оширишнинг имконияти бўлмаганда) иши юритуви тамомланганидан сўнг, бу ҳақда далолатнома тузилади. Далолатномада ички ишлар органлари ходимларининг иштироки тегишли равишда қайд этилиб, ижро ҳаракати иштирокчилари ҳамда ички ишлар идораси ходимлари томонидан имзоланади ва уларга мазкур далолатнома нусхаси берилади.

Ижро ҳаракатларида иштирок этган ички ишлар органлари ходимлари бу ҳақда туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғини хабардор қилади.

II. Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. Қоида тариқасида, одил судловни амалга ошириш шакли сифатида хизмат қилган суд ишларини юритиш жиноят ва фуқаролик-процессуал фаолияти доирасига жалб қилинган барча шахс ва органларнинг фаол иштирокини талаб қилади. Суд ишларини юритишнинг муайян иштирокчилари томонидан ўз процессуал мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ва умуман одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин. Шу туфайли чақирув тартиби, шунингдек тергов ва суд органларига чақирилган шахсларнинг келишларини таъминлаш учун мумкин бўлган воситалар тармоқ қонунчиликларида аниқ белгиланган. Мазкур воситалардан бири мажбурий келтиришдир.

Агар *чақирувга биноан ҳозир бўлиш мажбурияти* процессуал мажбурловнинг олдини олувчи ва таъминловчи чора сифатида хизмат қилса ва *чақирувга биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини ёзма равишда тушунтиришдан иборат бўлса, мажбурий келтириш* – процессуал мажбурловнинг тиклаш чораси ҳисобланади ҳамда узрсиз сабабларга кўра

келмаган ва кўрсатув манбалари бўлган шахсларни уларнинг процессуал ҳаракатларда иштирокларини таъминлаш мақсадида суриштирув ва дастлабки тергов органларига ёки судга мажбурий келтиришдан иборат бўлади.

Ўз навбатида, мажбурий келтириш бўйича топшириқни ижро этиш батафсил тартиби Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада белгиланган. Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодекси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартибини белгилайди.

Жиноят процессида мажбурий келтиришнинг асоси жиноят-процессуал қоидабузарлик таркибининг мавжуд бўлишидир. Энг камида учта ҳолат исботланган бўлиши керак:

а) процесснинг иштирокчиси кўрсатилган вақтда келмаган, бу ҳолат процессуал ҳаракатнинг баённомаси билан исботланган;

б) процесснинг иштирокчиси чақирув ҳақида хабар қилинди: чақирув қоғози топширилганлиги ҳақидаги тилхат ёки суд мажлиси баённомасида тегишли тилхат мавжуд;

в) мазкур иштирокчи ўзининг келмаганлигига узрли сабабларнинг мавжудлиги ҳақида хабар бермади. Шахс чақирув бўйича келмаганлигининг узрли сабаблар қаторига қуйидагилар киради: келиш имкониятидан маҳрум этадиган чақирилган шахснинг касаллиги; чақирув қоғози ўз вақтида

олинмаганлиги; кўрсатилган вақтда келиш имкониятидан шахсни маҳрум этадиган бошқа ҳолатлар. Келиш имкониятидан маҳрум этадиган касаллик тиббий муассасада ишлайдиган шифокор томонидан тегишли ҳужжатда тасдиқланиши шарт. Чақирув қоғози айбланувчи томонидан ўз вақтида олинмаганлиги чақирув қоғозида акс эттирилган мазкур ҳужжат олинган вақт ҳақидаги белги билан ёки чақирув қоғозини уни топшириш учун олган шахснинг тушунтириши билан тасдиқланади. Транспорт воситалари ҳаракатининг бузилиши, табиий офатлар (ёнғин, тошқин, зилзила ва ҳоказолар), оила аъзосининг касаллиги ва уларни парваришлашни бошқа бировга топширишнинг иложи бўлмаганлиги ва ҳоказолар чақирув қоғозида кўрсатилган вақтда келиш имкониятидан маҳрум этадиган бошқа ҳолатлар доирасига киритилиши мумкин.

Ушбу узрли сабабларнинг тўлиқ рўйхатини қонунда белгилаш имконияти йўқ. Мазкур масала муайян ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳар бир ҳолатда алоҳида ҳал қилинади.

Гувоҳ, жабрланувчи, шунингдек озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирилиши тартиби ЖПКнинг 97-моддаси билан тартибга солинади, унга мувофиқ юқорида санаб кўрсатилган шахслар чақирув қоғози билан чақирилади. Чақирув қоғози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ёки телефакс орқали ҳам бўлиши мумкин. Тергов ҳибсхонасида, вақтинча қабул қилиш-тақсимлаш қабулхоналари, жазони ижро этиш ёки тарбия колонияларида сақланаётган шахслар шу муассасаларнинг маъмурияти орқали чақиртирилади (ЖПКнинг 97-моддаси тўртинчи қисми).

Мажбурий келтиришни қўллаш имконияти чақирувларнинг сони билан эмас, балки чақирилган шахснинг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги факти билан боғлиқ. Мазкур ҳолатларни аниқлаб, дастлабки тергов, суриштирув органлари ҳамда суд келмаган шахсни уни **қайта чақирмасдан**

мажбурий келтиришга ҳақли.

Бундан ташқари, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига нисбатан мажбурий келтириш олдиндан чақирувсиз ҳам қўлланилиши мумкин (ЖПКнинг 262-моддаси иккинчи қисми). Кўрсатилган шахслар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирдагина, ушбу ҳолатга йўл қўйилади.

Ҳар бир ҳолатда мажбурий келтириш учун асос бўлган ҳолатлар жинойт иши материалларида ва мажбурий келтириш тўғрисидаги тегишли қарорда акс эттирилиши керак.

Жинойт-процессуал қонунида мажбурий келтиришни процессуал расмийлаштиришнинг зарурияти мустаҳкамланган (ЖПКнинг 263-моддаси). Суриштирувчи, терговчи, прокурор мажбурий келтириш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарорда ёки ажримда: мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; мажбурий келтириш учун асослар; шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги; мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ижро этиш учун иш юритилаётган жойдаги ички ишлар органига топширилади. Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни топган ички ишлар органининг ходими уни қарор ёки ажрим билан таништириб тилхат олади ва мазкур қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга олиб келади. Бунда қарорга (ажримга) шахс топилган вақт ва жой, уни олиб келиб топширилган вақт, шунингдек унинг мажбурий келтирилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва илтимослар ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

Ички ишлар органининг ходими шахснинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафарида эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра йўқлиги оқибатида мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлигини аниқласа,

бу ҳақда маълумотнома тузади ҳамда қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёхуд судга хабар беради (ЖПКнинг 264-моддаси).

Юқоридагиларга асосан, судга келишдан бош тортган шахсларни келтириш Жиноят-процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ мажбурият чораси ҳисобланади. Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш, ички ишлар органлари ходимлари томонидан шахснинг судга ихтиёрий келишидан бош тортганида қўлланиладиган чораларни амалга оширишдан иборат. Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш қуйидаги тартиби назарда тутилган.

*1. Мажбурий келтириш тўғрисидаги суднинг ажримини кўриб чиқиш ва рўйхатга олиш.* Ички ишлар органларининг бўлим бошлиқлари мажбурий келтириш тўғрисидаги суднинг келиб тушган ажримини зудлик билан кўриб чиқишлари ва унинг аниқ ва ўз вақтида ижросини ташкил этишлари шарт. Ички ишлар органлари бўлим бошлиқлари йўқ бўлган пайтда суд ажримининг ижросини унинг ўринбосарларидан бири амалга оширади.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги ажрим у келиб тушган кундан бошлаб бир кун ичида махсус журналда рўйхатга олинади ва ички ишлар органлари ходимларига ижро учун имзо чектирилиб, топширилади.

*2. Мажбурий келтириш тўғрисидаги суднинг ажримини ижро этиш.* Мажбурий келтириш соат 6-00 дан 22-00 гача амалга оширилиши, куннинг бошқа пайтларида қонунда белгиланган ҳолларда амалга оширилиши белгиланган.

Ички ишлар органлари ходими ёки ходимлари гуруҳи мажбурий келтирилиш кунда шахснинг ҳақиқий турган жойига боради.

Ички ишлар органлари ходими мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни топганида, уни судга мажбурий келтириш тўғрисидаги ажрим билан таништириб, имзо чектиради. Бунда шахс топилган жой ва вақт, шахсни

етказиш вақти, шунингдек мажбурий келтириши лозим бўлган шахснинг ариза, шикоят ва илтимосномалари ҳақида далолатнома тузилади.

Юқорида қайд этилганидек, ички ишлар органлари ходими шахснинг қочиб кетганлиги, таътилдалиги, сафардалиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабаблар (табiiй офатлар, кичик ёшдаги фарзандларининг мавжудлиги ва уларни парваришлашни бошқа бировга топширишнинг иложи бўлмаганда, транспорт ҳаракатида узоқ муддатли танаффус ва ҳ.к.) туфайли келтиришнинг имкони йўқлигини аниқлаганда, далолатнома тузади ва у фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланади. Далолатномага ички ишлар органлари бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланган билдирги ва узрли сабабларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси илова қилинади.

Далолатнома, илова қилинган тегишли ҳужжатлар билан бирга, суд раисига ёки мажбурий келтириш тўғрисида ажрим чиқарган судьяга топширилади.

Ички ишлар органлари ходимлари мажбурий келтиришни амалга ошираётганда, судга келтириляётган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилишга, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур.

Бошқа шаҳарда, туманда ёки вилоятда яшовчи шахсга нисбатан мажбурий келтириш суднинг ажримига биноан, шахсларнинг яшаш жойидан қатъий назар, иш юритуви жойидаги ички ишлар органлари ходимлари томонидан амалга оширилади. Бошқа вилоятда яшовчи шахсни мажбурий келтириш Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Судга мажбурий тартибда келтирилган шахс ички ишлар органлари ходимининг билдиргиси билан ажрим чиқарган судьяга топширилади. Билдирги ажрим чиқарган судья томонидан имзоланади.

Ички ишлар органлари ходими судья талабига мувофиқ, сўнгги суд ҳаракатлари бажарилгунига қадар мажбурий келтирилган шахсни назорат

қилиши шарт.

Ш. Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги **йўриқнома**. Ушбу йўриқнома ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида акс эттирилган асосий қоидаларни амалга оширишга йўналтирилган. Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси ва юқорида кўрсатилган қарорга мувофиқ, судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартибини белгилайди.

Ҳар бир тармоқ процессуал қонунчилиги суд процесслари иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кафолатлар тизимини мустаҳкамлайдиган меъйёрларни ўз ичига олади. Ўз навбатида, судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома мазкур кафолатларни амалга оширишга ва кучайтиришга йўналтирилган. Йўриқноманинг мазмуни учта ўзаро боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

- 1) судлар хавфсизлигини таъминлаш;
- 2) суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш;
- 3) суд процесслари иштирокчиларини ҳимоя қилиш.

Йўриқномага биноан судлар, суд процесслари ва суд процесслари иштирокчилари ҳамда уларнинг яқин қариндошлари хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Аммо, алоҳида ҳолларда, хавфсизлик ва ҳимояни таъминлаш чоралари қонунчиликка мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши

мумкин.

Ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларига риоя этиши, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши ва уларга берилган ваколатлар доирасидан четга чиқмаслиги лозимлиги қатъиян белгиланган.

*Судлар хавфсизлигини таъминлаш.* Ушбу фаолият икки қисмдан иборат: а) судлар хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш; б) суд биноларини қўриқлашни таъминлаш тартиби.

Судлар хавфсизлигини таъминлаш суд биноларини қўриқлашдан иборат. Суд биноларини қўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги 18-сон “Ўзбекистон Республикаси адлия ва суд органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти суд биноларининг қўриқлаш ишини ташкил этади ва бунинг учун белгиланган тартибда ички ишлар органлари ходимлари жалб этилади.

Суд биноларини қўриқлаш тўғрисидаги шартнома ҳар бир ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри) бўйича алоҳида тузилади.

*Суд биноларини қўриқлашни таъминлаш тартиби.* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги “Қўриқлаш” бирлашмасининг (кейинги ўринларда матнда – Бирлашма) тегишли ҳудудий бўлимлари шартнома нусхасини олгандан сўнг уч кунлик муддатда Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари билан бирга суд биноларини қўриқлаш ишини ташкил этади.

Суд биноларини қўриқлашни ташкил этиш учун Бирлашманинг ҳудудий бўлими суд биноларини қўриқлашни амалга ошириш учун

ходимларни ажратади. Қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан суд биноларини қўриқлаш кечаю-кундуз амалга оширилади.

Суд биноларини қўриқлашни таъминлаш учун қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан қуйидаги чоралар амалга оширилади:

- суд биносига кириш ва чиқишнинг қўриқланиши таъминланади;
- суд раиси билан келишилган ҳолда назорат-рухсатнома пункти ташкил этилади;
- суд худудига хизмат гувоҳномаси ёки рухсатнома бўйича кириш жорий этилади;
- суд биносидаги хоналарни қўриқлаш сигнализацияси ҳолати назорат қилинади, суд раисига камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритилади.

Қўриқлаш бўлими ходими қўриқланаётган суд биносини ўзига хослигини, сигнализация ва ёнғинга қарши кураш воситаларининг жойлашган жойлари ва улардан фойдаланишни билиши ҳамда уларни соз ҳолатда эканлигини текшириб, аниқланган барча камчиликлар бўйича дарҳол суд раисига хабар бериши лозим.

Етарли асослар мавжуд бўлганида қўриқлаш бўлими ходими жамоат тартибининг бузилишига йўл қўйган шахсларни ушлаши ва уларни туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларига топшириши мумкин.

*Суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш.* Мазкур фаолият ҳам икки қисмдан иборат: а) суд процесслари хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш; б) суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш тартиби.

*Суд процесслари хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш.* Суд процесслари хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бевосита суд мажлиси ўтказилишида комплекс чора-тадбирлар қўллаш йўли билан тартибни сақлашдан иборат. Суд процесслари хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш ҳам ички ишлар органлари ходимлари томонидан амалга оширилади.

Суд муҳокамасини ўтказишда тўсқинликлар вужудга келиши эҳтимолини тасдиқловчи етарли асослар мавжуд бўлганида, суд мажлисига раислик қилувчи судья (кейинги ўринда матнда – раислик қилувчи) ёки суд раиси суд мажлиси ўтказилишига камида уч кун қолганда, суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш учун чоралар кўриш тўғрисида туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларига ёзма хабарнома жўнатиши шарт.

Туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари суднинг ёзма хабарномасини олганидан сўнг, хабарномада кўрсатилган муддатларда суд процесси хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш учун ходимлар ажратади.

*Суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш тартиби.* Суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш учун ходимлар томонидан қуйидаги чоралар амалга оширилади:

- раислик қилувчи ёки суд раиси билан келишувга биноан суд мажлиси хонаси ва маслаҳатхона хавфсизлиги таъминланади;

- суд мажлисидан олдин суд мажлиси хоналари ва маслаҳатхонанинг уларда эгасиз ашёлар, ёнувчи, портловчи, захарловчи ва бошқа хавфли буюмларни аниқлаш юзасидан текширув ташкиллаштирилади;

- ташқи кўриниши ёки юриш-туришидан шубҳа туғдирувчи шахсларни текшириш ташкил этилади. Кўрсатилган шахслар етарли асослар мавжуд бўлганда ушланиши ва юқорида санаб ўтилган буюм ва ашёлар юбориладиган туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларига топширилиши мумкин.

Ходим суд мажлиси вақтида доимий равишда суд мажлиси залида бўлади. Суд мажлиси залини тарк этиш фақатгина раислик қилувчининг фармойиши (рухсати) билан рухсат этилади.

Суд процесслари хавфсизлигини самарали таъминлаш мақсадида ходимларга тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар тақдим этилади.

Зарур ҳолларда ходим раислик қилувчи ёки суд раисининг фармойишига биноан суд девонхонасидан суд мажлиси ўтказиладиган жойга

ёки судья хонасига суд ишлари ва ашёвий далиллар етказиб берилишида уларнинг қўриқланиши ва сақланишини таъминлайди.

Ходим суд мажлиси якунида қилинган ишлар, суд раиси ёки раислик қилувчи томонидан келиб тушган мурожаатлар, шунингдек, суд залидаги барча ҳодисалар ва қўрилган чоралар ҳақида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бўлимига ёзма ҳисобот тақдим этади.

Ходимнинг суд мажлиси якунланганлиги ҳақидаги ёзма ҳисоботи суд раиси ёки раислик қилувчи томонидан имзоланади.

*Суд процесслари иштирокчиларини ҳимоя қилиши.* Хавфсизликни таъминлашнинг мазкур қисми қуйидаги элементлардан иборат: а) хавфсизлик чораларини қўллаш асослари ва тартиби; б) хавфсизлик чоралари.

*Хавфсизлик чораларини қўллаш асослари ва тартиби.* Суд процесслари иштирокчилари, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш кўрсатилган шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига суиқасд қилиш хавфи мавжуд бўлганда ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган комплекс чоралардан иборат.

Аммо олдин хавфсизлик чораларини қўллашга асосларни аниқлаш лозим. Қўриқланаётган шахсларга нисбатан таҳдиднинг мавжудлигини тасдиқловчи етарли далилларнинг борлиги мазкур асослар сифатида хизмат қилади.

Қўриқланаётган шахсларга нисбатан хавфсизлик чоралари суд томонидан ушбу шахсларнинг таҳдид қилувчи хавф ва бошқа ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги оғзаки ёки ёзма аризасига асосан ёки суднинг ташаббуси билан қўлланилади. Ушбу қарорни қабул қилиб, суд ажрим чиқаради ва мазкур ажримни туман (шаҳар) ички ишлар бўлимига юборади, нусхалари эса қўриқланаётган шахсларга берилади.

Суд ажримида қўриқланаётган шахсларга нисбатан қўлланилаётган аниқ хавфсизлик чоралари ва уларни амалга ошириш вақтлари кўрсатилган

бўлиши лозим.

Бунда, ички ишлар органлари ишда мавжуд маълумотлар, хавф таҳдид солаётган шахслар, таҳдид солаётган хавфнинг эҳтимолий хусусияти, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатлари тўғрисида хабардор қилинади.

Ички ишлар органлари суд ажримини олиши билан дарҳол кўриқланаётган шахсларга нисбатан хавфсизлик чораларини кўришлари шарт.

Кўриқланаётган шахслар хавфсизлигини таъминловчи ички ишлар органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Алоҳида ҳолларда ички ишлар органлари кўриқланаётган шахсларга, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун риоя этилиши мажбурий бўлган муайян кўрсатмалар бериши мумкин.

Кўриқланаётган шахсларга таҳдид солаётган хавф бартараф этилганда ёки хавфсизлик чораларини бекор қилиш учун бошқа асослар вужудга келганда суд томонидан кўриқланаётган шахсларга нисбатан бу ҳақда асослантирилган ажрим чиқарилади. Ушбу ажрим ички ишлар органларига юборилади, нусхалари эса кўриқланаётган шахсларга берилади.

*Хавфсизлик чоралари.* Кўриқланаётган шахсларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, шунингдек, улар мулкларининг сақланишини таъминлаш мақсадида қуйидаги хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкин:

- кўриқланаётган шахслар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни чеклаш – кўриқланаётган шахсларнинг розилиги билан уларнинг шахси, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари, яшаш жойи ва улар ҳақидаги бошқа маълумотларни беришга вақтинчалик чеклов қўйилиши мумкин;

- ёпиқ суд мажлисини ўтказиш – кўриқланаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёпиқ суд мажлислари ўтказилиши мумкин;

- шахсни, уй-жой ва мол-мулкни ҳимоя қилиш – кўриқланаётган шахснинг ҳаётига ёки соғлигига ёхуд мол-мулкига таҳдид хавфи мавжуд бўлганда уларни шахси, уй-жой ва мол-мулки ҳимоя қилинади.

Кўриқланаётган шахсларни ҳаётига, соғлигига ёхуд мол-мулкига зарар етказилиш ёки йўқ қилиниш таҳдиди хавфининг характери ва даражасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида бир неча хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкин.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси, Адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади.

Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Бундан ташқари, кўриқланаётган шахснинг шахсий хавфсизлигини ва ишончли ҳимоясини таъминлаш учун суд процессида қуйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

- кўриқланаётган шахс унга хавф таҳдид солиб турган пайтда ходим талабларига бўйсунishi шарт;

- шахсни ҳимоя қилиш кўриқланаётган шахс бўлган барча жойларда, шунингдек, ёпиқ суд мажлисларида ҳам амалга оширилади;

- ходим зарурат юзага келганида кўриқланаётган шахснинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида белгиланган тартибда қурол қўллаши мумкин;

- суд мажлисидан олдин суд мажлиси бинноси, суд муҳокама хоналари ва кўриқланаётган шахс бўлиши мумкин бўлган бошқа хоналар кўздан кечирилади.

## **Биринчи боб бўйича хулосалар**

1. Диссертант судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш вазифаси

элементларини таҳлил қилиш асосида бу тушунчани судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаси деган тушунча билан алмаштиришликни таклиф этади.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти вазифасининг белгиларини таҳлил қилиш асосида диссертант ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти вазифаларини асосий ва кўмаклашувчи вазифаларга бўлишликни таклиф этади.

3. Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифасининг ҳуқуқий асослари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) 924-ХП-сонли Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги № 258-П сонли Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги № 199 - сонли Қонуни;

- “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Харбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомга, Судьяларнинг малака хайъатлари тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси ЎРК-103-сонли Қонуни (20.07.2007 й);

- “Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (04.05.2000 й. ПФ-2599-сон);

- “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Фармони (17.03.2006 й. ПФ-3725-сон);

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги “Судьяларни тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 1 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд Департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-722 сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (ЎзР ВМ 27.08.2003 й. №370-сон Қарори);

- “Ўзбекистон Республикаси Судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (22.09.2001 й. 383-сон);

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида Низом;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 27.08.2003 й. 370-сон Қарорига 2-илова);

- “Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисида”ги Низом;

- Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида Низом;

“Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (18.03.2003 й. 147-сон);

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1653-сонли

“Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори<sup>23</sup>;  
Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқнома;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1654-сонли “Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори<sup>24</sup>; Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1655-сонли “Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори<sup>25</sup>; Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома.

4. Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни амалга оширувчи органлар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси;

- Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти;

- Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси;

- судьялар малака ҳайатлари.

<sup>23</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й., 3-сон, 29-модда

<sup>24</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й., 3-сон, 30-модда.

<sup>25</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й., 3-сон, 31-модда.

## **2 БОБ. СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ, МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ**

### **2.1. МДҲ давлатлари ва хорижий давлатларда судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш**

Хорижий мамлакатларда судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш вазифасини кўпчилик ҳолатларида адлия вазирликлари амалга оширади, ихтисослашган судларнинг фаолиятини таъминлаш эса тегишли вазирликлар (Франция, ФРГ ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Петрухин И.Л.нинг фикрича бу мамлакатларида ҳокимиятнинг бўлиниши ва суд ҳокимиятининг мустақил амалга оширилиши бундай моделлардан воз кечишга олиб келмайди, аксинча улар самарали ҳисобланади<sup>26</sup>.

Англосаксон ҳуқуқи оиласига кирувчи мамлакатларда суд тизимини таъминлашнинг бошқача ташкилий модели мавжуд. Бу мамлакатларда суд фаолияти судьяларнинг ўз-ўзини бошқариш олий органига ҳисобдор бўлган (АҚШ) органлар (махсус ёки бевосита судларнинг девонлари (аппаратлари)) ёки олий судга, тўғрироғи унинг катта судьясига (раисига) ҳисобдор бўлган органлар воситасида амалга оширилади. Масалан, Буюк Британияда судлар фаолиятини таъминловчи органлар лорд-канцлерга ҳисобдор. Шунинг назарда тутиш керакки лорд-канцлер нафақат суд ҳокимияти вакили балки у бир пайтнинг ўзида қонунчилик ҳокимияти (Лордлар палатаси спикери) ва ижро ҳокимияти (у Лордлар палатасида Тожнинг (Коронанинг) манфаатларини ифодалайди) вакили ҳисобланади.

Россияда эса судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш масаласи кейинги бир неча йил давомида суд ислохотларининг асосий масаласи бўлиб келди. Буни шу ҳам тасдиқлайди-ки бу масала Судьяларнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи умум Россия съездида қизғин муҳокамаларга сабаб

<sup>26</sup> Судебная власть / Под ред. И.Л.Петрухина. – М.: ООО «ТК Велби», 2003. – Б. 548.

бўлди. Шунингдек, у Россия Федерацияси судьялар кенгашининг кўплаб мажлисларида, судьяларнинг ҳудудий съездларида (анжуманларида) ҳамда Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги суд ислохатлари бўйича кенгашда муҳокама қилинди.

Ҳозирги пайтда Россия Федерациясида умумий юрисдикция судлари фаолиятини таъминлаш уч ташкилий шаклда амалга оширилади. Биринчиси, бу Россия Федерацияси олий судининг фаолиятини таъминлаш бўйича шу суднинг девонининг (аппаратининг) фаолиятидир. Иккинчиси, Россия Федерацияси олий суди ҳузуридаги Суд департаменти фаолияти бўлиб, унга бошқа барча умумий юрисдикция федерал судларининг фаолиятини ва қисман мировой судьялар (федерация субъектлари судьялари) фаолиятини таъминлаш вазифаси юклатилган. Судлар фаолиятини ташкилий таъминлашнинг учинчи шакли бу мировой судьяларнинг фаолиятини таъминлаш бўлиб, бу вазифа федерация субъектлари ижро ҳокимиятининг тегишли тизимлари томонидан амалга оширилади.

“Россия Федерацияси суд тизими тўғрисида”ги Федерал Конституцион Қонуннинг 30 моддаси 1 қисмига кўра, Россия Федерацияси олий судининг фаолияти унинг девони (аппарати) томонидан таъминланади. Ҳозирги пайтда ушбу фаолиятни амалга ошириш тартиби ва шаклини белгиловчи қонун ҳужжати мавжуд бўлмасдан у Россия Федерацияси олий суди раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган ички ҳужжатлар (Низомлар ва қўлланмалар) асосида амалга оширилади. Ушбу суд таркибида Пленум ва Президиум котибиятлари, фуқаролик ишлари бўйича ва жинойт ишлари бўйича суд ҳайъатлари ҳамда Ҳарбий ҳайъат котибиятлари, суд амалиётини умумлаштириш, қонун ҳужжатлари билан ишлаш, суд қарорларини назорат тартибида текшириш, қарорларнинг ижросини назорат қилиш, фуқаролар қабули бўлимлари, халқаро ҳуқуқий бўлим, ишлар бошқармаси ва бошқалар фаолият кўрсатади. Бу барча тузилмалар олий суд фаолиятини ташкилий, ахборот ва қисман моддий-техник таъминлашни амалга оширади. Россия

Федерацияси олий судининг кадрлар бўлими девон ходимларини танлаш ва жой-жойига қўйиш вазифасини амалга оширади, Россия Федерацияси олий суди раисига бошқа федерал судларини кадрлар билан таъминлашни амалга оширишда кўмаклашади ва бу жараёнда Россия Федерацияси олий суди ҳузуридаги Суд департаменти ва Судьяларнинг олий малака комиссияси билан ҳамкорлик қилади. Режалаштириш-молия ва хўжалик бошқармасига Россия Федерацияси олий судини молиявий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш вазифаси юклатилган.

Бошқа федерал судларнинг фаолияти Россия Федерацияси олий суди ҳузуридаги Суд департаменти томонидан таъминланади. Суд департаменти ташкил этилиши ва унинг фаолияти 1998 йил 8 январда қабул қилинган “Россия Федерацияси олий суди ҳузуридаги Суд департаменти тўғрисида”ги Федерал Қонун билан тартибга солинади. Замонавий адабиётларда Россия Федерацияси олий суди ҳузуридаги Суд департаментининг таъсис этилиши ва амалда ташкил этилиши “суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш бўйича самарали чоралардан бири” деб баҳоланмоқда<sup>27</sup>.

Қонун (1-модда, 1 қисми) Суд департаменти ваколатларига республикалар олий судлари, ўлка ва вилоят судлари, федерал аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар судлари, мухтор (автоном) вилоятлар ва мухтор (автоном) округлар, туман судлари, ҳарбий ва ихтисослашган судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш, шунингдек мировой судларни молиялаштиришни киритган. Департамент ҳар шароитда ҳам одил судловни амалга оширишга аралашишга ҳақли эмас (қонуннинг 4-моддаси). Департаментнинг ваколатлари жуда кенг, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича федерал қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

---

<sup>27</sup> Судоустройство и правоохранительные органы в Российской Федерации. М., 2000. Б. 39.; Председатель Совета судей России называет образование этого органа в числе главных задач, стоящих перед Советом судей в 1995-1996 гг. Қаранг: Российские судьи – носители судебной власти // Ж. Российская юстиция. – 2000. - № 11. – Б. 8.

- судлар ва судьялар ҳамжамияти органларини молиялаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

- судларни ташкил этиш ва фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар, шу жумладан судларни ташкил этиш ёки тугатиш ҳақида таклифлар тайёрлаш, судларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва судьялик лавозимларга номзодларни ва судлар девонларида (аппаратларида) давлат хизматига номзодларини танлаш бўйича ишларни таъминлаш;

- судьялар ва судлар девонлари ходимларининг юкламаси нормативларини ишлаб чиқиш;

- суд статистикаси ва судлар архивларини юритиш, судларда иш юритишни ташкил этиш;

- суд биноларини қуришни, шунингдек уларни таъмирлаш ва жиҳозлашни ташкил этиш;

- судларни бошқа моддий-техник, шу жумладан ахборот ва транспорт билан таъминлаш ишларини ташкил этиш;

- судьялар ҳамда суд девони ходимларини моддий ва ижтимоий таъминлашни ташкил этиш;

- бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда судьялар ва уларнинг оила аъзоларининг даҳилсизлиги ва ҳавфсизлигини кафолатловчи чораларни таъминлаш.

Умумий юрисдикция судларининг фаолиятини Департамент ҳақидаги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ суд маъмури (администратор) таъминлайди.

**Қозоғистон.** Қозоғистон Республикаси олий судининг фаолиятини ташкилий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашни Олий суд девони амалга оширади, маҳаллий судлар фаолиятини таъминлаш эса Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан ташкил этиладиган ваколатли давлат органи (Қозоғистон Республикаси олий суди ҳузуридаги суд маъмурияти

бўйича Қўмита) томонидан амалга оширилади<sup>28</sup>. Ваколатли органлар яхлит тизимини тегишли марказий давлат органи ва вилоят, пойтахт ва республика аҳамиятидаги шаҳар судлари маъмурлари (администраторлари) ташкил этади. Ваколатли орган ўз фаолиятини суд мустақиллиги ва судьялар фаолиятига аралашмаслик принципларига риоя қилган ҳолда амалга оширади. Ваколатли орган ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Низомда белгилаб қўйилади.

Қозоғистон Республикаси олий суди ҳузуридаги суд маъмурияти бўйича Қўмита вилоят, туман ва уларга тенглаштирилган судлар фаолиятини моддий-техника ва бошқа жиҳатидан таъминлашни амалга оширувчи, шунингдек ижро ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилишини таъминловчи ваколатли давлат органидир. Қўмита ва унинг вилоятлар Астана ва Алмата шаҳарларидаги маъмурлари (администраторлари) маҳаллий судлар фаолиятини таъминловчи органларнинг ягона тизимини ташкил этади ва давлат муассасаси ташкилий ҳуқуқий шаклида ташкил этилган юридик шахс ҳисобланади.

Қўмита ва унинг маъмурлари маҳаллий судлар мустақиллигини, судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги мустақиллигини мустаҳкамлашда хизмат қилади ва уларнинг процессуал фаолиятига аралашшига ҳақли эмас. Қўмитанинг стурктураси ва штатлар лимити Қўмита раисининг тақдимномасига мувофиқ Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Қўмита:

- Қозоғистон Республикаси олий суди раиси билан келишган ҳолда маҳаллий судларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ёҳуд тугатиш бўйича, судьяларнинг умумий штат бирлиги тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади ва

---

<sup>28</sup> Бу ҳақида қаранг: Клеандров М.И. Судебные системы государств – участников СНГ: законодательное обеспечение. – М.: Юристъ, 2002. – Б. 217-220.

уларни кўриб чиқиш учун Қозоғистон Республикаси Президентига киритади;

- маҳаллий судлар, Қўмита ва маъмурларни молиялаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади ва уни ҳукуматга киритади;

- суд раисларининг тақдимномаларига асосан маҳаллий судлар судьяларининг штат бирлиги сонини белгилайди;

- маҳаллий судларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди;

- маҳаллий судлар судьяларининг ва девон ходимларининг юкламалари нормативларини ишлаб чиқади;

- судлар фаолиятини ташкилий моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

Қўмитада маслаҳат органи бўлган Қўмита раиси ҳузуридаги ҳайъат фаолият кўрсатади. Бу ҳайъат аъзоларининг сони ва таркиби Қўмита раиси томонидан белгиланади. Мазкур ҳайъат тўғрисидаги Низом Қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

**Қирғизистон Республикаси.** Қирғизистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий арбитраж суди, маҳаллий арбитраж суди тизими ва умумий юрисдикция судлари (Ҳарбий судлар бундан мустасно) фаолиятини ташкилий таъминлаш мазкур судларнинг девонлари орқали суд ҳокимиятининг ижро этувчи органи бўлган Суд департаменти томонидан амалга оширилади.<sup>29</sup> Қирғизистон Республикасида судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш дейилганда судларни молиялаштириш, моддий-техника жиҳатдан таъминлаш, суд ҳужжатларини ижро этиш ва одил судловни тўлиқ мустақил амалга ошириш учун шароит яратишга йўналтирилган бошқа ҳилдаги чора-тадбирлар тушунилади. Суд департаменти ўз фаолиятида Қирғизистон Республикаси Президенти ва Қирғизистон Республикаси судьялар кенгаши олдида ҳисобдор. У судлар ва судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга кўмаклашиши шарт ва одил

---

<sup>29</sup> Бу ҳақида қаранг: Клеандров М.И. Судебные системы государств – участников СНГ: законодательное обеспечение. – М.: Юристъ, 2002. – Б. 267-270.

судловни амалга оширишга аралаштиришга ҳақли эмас.

Қирғизистон Республикаси судларини молиявий, моддий-техника жиҳатидан таъминлаш базасини яхшилаш, судьялар, судлар девонлари ва Суд департаменти ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Суд департаменти ҳузурида Қирғизистон Республикаси судларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган. Жамғарма маблағларидан ҳаракатдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилади. Жамғарма давлат божлари, суд ҳаражатлари, суд жарималари, Қирғизистон Республикаси судлари томонидан ундирилган пул маблағлари ва ҳаракатдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тушумлар ҳисобидан шакиллантирилади. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш Қирғизистон Республикаси судьялари кенгаши қарорига мувофиқ амалга оширилади. Жамғарма маблағларини тезкор бошқариш мақсадида Қирғизистон Республикаси судларини ривожлантириш жамғармасининг кенгаши ташкил этилди, кенгашга Суд департаменти директори раислик қилади. Жамғарма фаолияти Қирғизистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Низом билан тартиба солинади.

**Украина.** Судлар ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашнинг энг муҳим кафолатларидан бири Украина қонунчилигига мувофиқ судьяларнинг ўз-ўзини бошқариши ҳисобланади. Судьяларнинг ўз-ўзини бошқариши судлар фаолиятининг ички масалаларини судьялар томонидан жамоатчилик асосида ҳал қилинишини англатади. Украина қонунчилигига кўра, судлар фаолиятининг ички масалаларига судларни ташкилий ва кадрлар билан таъминлаш, судларнинг фаолият кўрсатишни ҳамда судьялар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш, судьялар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда маиший таъминлаш ва одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа масалалар киради. Кўрсатилган масалар бўйича қорор ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ бюджетдан молиялаштириш доирасида судьяларнинг ўзини-ўзи бошқариш

органи томонидан қабул қилинади. Судьяларнинг ўзини-ўзи бошқаришни амалга ошириши тартиби Украина Конституцияси, қонунлари ҳамда Украина судьялари съезди, судьяларнинг конференциялари ёки йиғилишларида қабул қилинган регламент ва низомлар билан белгиланади. Судьяларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари судьялар томонидан ўз манфаатларини ифодалаш учун тузилади. Судьяларнинг ўз-ўзини бошқариши маҳаллий ва апелляция судлари судьялари конференциялари, харбий судлар судьялари конференцияси, хўжалик судлари судьялари конференцияси, ихтисослашган олий судлар судьялари йиғилишлари Украина олий суди судьялари йиғилиши ҳамда Украина судьялари съезди орқали амалга оширилади.

Судьяларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари вазифалари қуйидагилардан иборат: судларнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиш; кадрлар тайёрлаш, судьяларнинг малакасини ошириш ишларини яхшилаш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш; судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш; уларни суд фаолиятига аралаштиришдан ҳимоя қилиш; судлар фаолиятини ташкил этиш устидан назоратни амалга ошириш.

Украина судьялари кенгаши судьялар съезди томонидан сайланади, кенгаш аъзоларининг сони ва вакиллик миқдори съезд томонидан белгиланади. Судьялар кенгаши ўз таркибидан очик овоз бериш йўли билан раис, раис ўринбосари, котиб ва раёсатни сайлайди. Судьялар кенгашининг ваколатлари ва иш тартиби қонун ва Украина судьялари съезди томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади. Судьялар кенгаши съездлар орасида судьялар ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилади, съезд қарорларини ижро этилишини ташкил этади ва назорат қилади. Судьялар кенгаши съезд олдида ҳисобдор. Судьялар кенгаши ваколатига судларни кадрлар билан, молиявий ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, судьялар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва маиший таъминлаш кирди. Судьялар кенгаши умумий юрисдикция судлари фаолиятини ташкил

этиш устидан назоратни амалга оширади ҳамда судьялар ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатига кирадиган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади. Маҳаллий ва апелляция судлари конференциялари ва кенгашлари, харбий ва хўжалик судлари судьяларининг конференциялари ва кенгашлари ишини моддий-техник, молиявий ва ахборот жиҳатидан таъминлаш тегишинча апелляция судлари раислари, Украина олий суди раиси, олий хўжалик суди раиси зиммасига юкланади. Украина судьялари съезди ва Украина судьялари кенгаши ишини моддий техник молиявий жиҳатдан ва ахборот билан таъминлаш Украина олий суди раиси ва олий хўжалик суди раисига юкланган<sup>30</sup>.

Кўриб чиққанимиздек суд ҳуқуқ тизимида жиддий фарқлар бўлишига қарамасдан судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалалари билан адлия вазирлиги ҳузуридаги ёхуд суд ҳокимиятининг олий органлари ҳузуридаги алоҳида ташкилий тузилмалар шуғулланади.

## **2.2. Мустақил суд ҳокимиятининг қарор топишида Суд департаментининг роли**

Мазкур диссертация тадқиқотининг биринчи бобида қайд этилганидек судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиши фаолиятида кўмаклашувчи вазифа бўлишига қарамасдан суд ҳокимиятини амалга оширилишини таъминлашда ва одил судловни таъминлашда жиддий рол ўйнайди.

Қайд этиш керакки, суд ҳокимиятининг ташкил топиши судда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатларига уларнинг мувозанатини сақлаш мақсадида фаол таъсир этиш

---

<sup>30</sup> Бу ҳақида багафсил қаранг: Клеандров М.И. Судебные системы государств – участников СНГ: законодательное обеспечение. – М.: Юристъ, 2002. – Б. 588-594.

юримдик имкониятини ўз ичига олган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, жамиятни емирувчи ижтимоий тўқнашувлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган тубдан янги вазифалар пайдо бўлишини назарда тутди. Суд-ҳуқуқ ислоҳоти айни ушбу йўналишда амалга оширилмоқда. Юртбошимиз И.А.Каримов айтганидек, “мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилганини эътироф этмоқ лозим. Бунинг натижасида мамлакатимизда замонавий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шаклланимоқда. Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи муштаҳамланиб бормоқда”<sup>31</sup>.

Албатта бу жараён бир лаҳзада рўй бермайди. Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январида бўлиб ўтган кўшма мажлисида: «Суд – одил судловнинг нуўтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён»<sup>32</sup>, деганларини ўзи суд ҳокимиятининг қарор топиши нафақат мақсад, балки демократик ҳуқуқий давлат фаолият кўрсатишининг зарур шартларидан бири эканлигидан далолат беради.

Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотининг турли босқичларида қабул қилинган бир қатор қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларини суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган. Жумладан: Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (янги

<sup>31</sup> Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август // Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б. 28.

<sup>32</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 28 январь 2005 йил. // Том 13.- Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. - 187.

тахрирда), Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Жиноят, Фуқаролик, Меҳнат, Оила, Уй-жой кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг таркибини такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Харбий судини ташкил қилиш тўғрисида”ги фармонлари. Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти жараёнида бошқа муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинди, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом ва бошқалар. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга, суд ва суд ходимларининг обрўсини оширишга, шунингдек судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва суд органларини кадрлар билан таъминлашга йўналтирилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда судьяларнинг манфаатларини ифода қилувчи судьялар ҳамжамиятининг органлари ўз фаолиятини амалга оширади. Уларнинг таъсис қилиниши суд ислоҳотининг ютуқларидан биридир<sup>33</sup>. Президент И.А.Каримов ташаббуси билан 1997 йил 12 сентябрда Ўзбекистон судьяларининг съезди илк бор чақирилди, Ассоциациянинг устави тасдиқланди. Ассоциациянинг асосий вазифаси республикада суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашдан иборатлиги

---

<sup>33</sup> Мустафаев Б. // Укрепление независимости судов – веление времени. – Народное слово. – 24 февраля. – 2007.

таъкидлаб ўтилди. Ассоциациянинг бошқа вазифалари қаторида қонун ижодкорлигида иштирок этиш, қонун лойиҳаларини тайёрлашда Парламентга ҳартомонлама ёрдам бериш, профессионал ҳуқуқий экспертиза ўтказиш кабилар кўрсатиб ўтилган. Ассоциация судья кадрларини танлаш ва тайинлаш жараёнида фаол иштирок этишга ҳамда судьяларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратишга мажбурдир.

Судлар ҳамжамиятлари суд ҳокимияти обрўсининг қарор топиши ва оширилишига хизмат қилади, судьялар этикаси кодексининг талабларига судьялар томонидан риоя қилишини таъминлайди. Қонун талабларини ва судьялар этикаси кодексининг қоидаларини бузганлиги учун судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш, шунингдек судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласида қарор қабул қилиш каби ҳуқуқларга фақат судьялар ҳамжамиятининг органлари, хусусан судьяларнинг малака ҳайъатлари эга.

Президент И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: “бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди”<sup>34</sup>. Шубҳасиз, судьялар томонидан суд этикаси қоидаларига риоя қилиши ва судьяларда касбий маҳоратлар мавжуд бўлишидан иборат бўлган талаблар суд ҳокимиятининг мустаҳкамланишига ва ҳуқуқнинг ролини оширишга йўналтирилган<sup>35</sup>.

Диссертациянинг биринчи бобида қайд этилганидек, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштириш, шунингдек судьяликка номзод бўлган шахслар бўйича ва судьянинг ваколатларини

<sup>34</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 28 январь 2005 йил. // Том 13.- Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 189.

<sup>35</sup> Қаранг: Мустафаев Б. // Укрепление независимости судов – веление времени. – Народное слово. – 24 февраля. – 2007.

муддатидан илгари тугатиш бўйича тегишли таклифларни киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги Ф-1038-сонли Фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилди<sup>36</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 майдаги Фармони билан Судьяларни тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига ўзгартирилди.

Судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги<sup>37</sup> Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилди<sup>38</sup>. Мустақил суд ҳокимияти шакилланишида Суд департаментининг роли ҳақида кўйидагилар ҳам далолат беради. “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва суд-ҳуқуқ ислохотлари” илмий публицистик нашр муаллифлари ёзганларидек, суд ҳокимиятининг белгиларидан бири – ушбу ҳокимиятининг мустақил фаолият кўрсатиш

<sup>36</sup> Мухитдинова Ф.Ф. Демократизм и социальная справедливость при подборе судебных кадров / / Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. – 2002. – № 3-4. – Б. 82.

<sup>37</sup> Хорижий мамлакатларда суд ҳокимиятини таъминлаш бўйича вазифалар аксарият ҳолларда айни адлия вазирликлари томонидан, умуман ихтисослашган судларни таъминлаш қисмида эса – махсус ваколатли вазирликлар томонидан бажарилади. Ҳокимиятлар бўлиниши принцига ҳамда суд ҳокимиятини мустақил тарзда амалга ошириш тўғрисидаги қоидага мазкур мамлакатларда амал қилиниши кўрсатилган моделлардан воз кечишга олиб келмади, аксинча мазкур моделлар энг самарали деб ҳисобланади. Қаранг: Судебная власть / Под ред. И.Л.Петрухина. – М.: ООО «ТК Велби», 2003. – Б. 547-548.

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги 383-сонли «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами”, 2001 й., 18-сон.

шартларининг мавжуд бўлиши – амалиётга махсус ваколатли мустақил органнинг – судлар фаолиятини молиявий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш вазифаси зиммасига юклатилган Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти – ташкил этилиши орқали татбиқ этилди<sup>39</sup>. Таъкидлаш жоизки, суд ҳокимияти функциялари амалга оширилиши таъминланилиши, нисбий автономлиги тўғрисида сўз юритиш лозимлиги суд тизимини молиялаштириш миқдори қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан тасдиқланадиган бюджетда белгиланишидан ҳам кўриниб турибди<sup>40</sup>.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар суд ҳокимиятининг учинчи белгиси суд ҳокимиятининг “автономлиги” нисбийлигидан далолат беради. Бунга қарамадан, ҳозирги кунда мустақил ва эркин суд ҳокимиятининг мавжудлиги тўғрисида сўз юритишга барча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган.

Суд департаменти масаласига қайтиб, шуни қайд этиш керакки, “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПК 458 Қарорида (2006 йилнинг 31 август) таъкидланган “Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва суд ҳимоясининг самарадорлигини оширишга қаратилган мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари бўлиб, суд қарорларини ижро этишнинг самарали тизимини яратиш, судларни ҳар томонлама моддий-техника жиҳатидан таъминлаш ва молиялаштириш ҳисобланади.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия

<sup>39</sup> Рустамбаев М.Х., Тухташева У.А. Судебная власть и судебнo-правовая реформа в Республике Узбекистан: научно-публицистическое издание. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2008. – Б. 13.

<sup>40</sup> Судебная власть / Под ред. И.Л.Петрухина. – М.: ООО «ТК Велби», 2003. – Б.18.

вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда - Суд департаменти) алоҳида ўрин эгаллайди”.

Шундай қилиб, Суд департаменти ўз фаолиятини суд мустақиллиги ва судьяларнинг фақат қонунга бўйсунishi принципларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Департаментнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- суд қарорлари ва бошқа органлар қарорлари сўзсиз ижро этилиши ишларини ташкил этиш;

- суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш;

- судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ишларини ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал маблағлар самарали ўзлаштирилишини таъминлаш ҳамда судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўриш;

- судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш.

Суд департаменти одил судловни амалга ошириш жараёнига аралаштиришга ҳақли эмаслиги Департамент тўғрисидаги Низомда алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал этишда қўйи судлар юқори турувчи судлардан мустақилдир. Чунки судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш юқори турувчи судлар томонидан эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан амалга оширилади.

### **2.3. Амалга оширилаётган ислохотлар муносабати билан судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифалари**

Агарда тарихга назар ташланадиган бўлса, шуни айтиш мумкинки Адлия вазирлиги ташкил топганидан бошлаб бутун суд муассасалари уларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти, шу жумладан ташкилий, кадрлар ва моддий таъминот масалаларини ҳал этиш шу вазирлик ваколатида бўлган.

Судьялар амалга оширилган ишларнинг ҳажми ва сифати ҳақида Адлия вазирлиги ва унинг жойдаги бошқармалари, бўлимлари олдида ҳисобот берганлар. Ҳисобот топшириш ташкилий аралашувнинг бир шакли бўлиб, судлар ишини режали текшириши орқали уларнинг процессуал фаолиятига ҳам аралашини олиб келар эди. Судларнинг биноларни таъмирлаш, уларни суд ишларини юритиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва уларнинг бланкалари билан таъминлаш адлия органлари томонидан амалга оширилар эди. Ўз вақтида иш ҳақи бериш, рағбатлантиришга тақдим этиш, судьяга ташаккур эълон қилишидан мукофот беришгача ёки мукофотга тавсия этишгача бўлган масалалар вазирлик ёки адлия бошқармасига боғлиқ эди<sup>41</sup>.

Шубҳасиз мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганидан сўнг, суд-ҳуқуқ ислохотлари бошлангач ва Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингач ҳокимиятлар бўлиниши принциpidан келиб чиққан ҳолда суд ҳокимиятини мустақкамлашга ва унинг мустақиллигини таъминлашга жиддий киришилди.

Эслатиб ўтамизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасида Президент

<sup>41</sup> Изварина А.Ф. Судебная власть в Российской Федерации: содержание, организация, формы. – Ростов н/Д: «Феникс», 2005. – Б. 176.

И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Республикамизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритганда, бу йўлни алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлади. Ҳеч шубҳасиз, бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллайди. ...

... ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар...

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври”<sup>42</sup>.

Шубҳасиз, кўрсатилган даврларда судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш соҳаси ҳам тубдан ислоҳ этилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш йўналишида амалга оширилган ислоҳотларни қўйидагилар билан тавсифлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаларини амалга оширишнинг асосий принципларини белгилаб берди.

Қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар судлар фаолиятини ташкилий таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги № Ф–1038 “Судьяларни тайинлаш ва озод қилиш билан боғлиқ масалаларини кўриб чиқувчи комиссия тузиш тўғрисида” - суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш принципларини янада демократлаштириш, шунингдек судьялик лавозимига тавсия қилинаётган шахслар ҳақида ва судьяларнинг ваколатини муддатдан

<sup>42</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 4-5.

илгари тугатиш ҳақида тегишли таклифлар киритишга йўналтирилган;

- Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2000 йил 4 майдаги “Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида”ги №-ПФ-2599 Фармони билан Судьяларни тайинлаш ва озод қилиш билан боғлиқ масалаларини кўриб чиқувчи комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси сифатида қайта ташкил этилди;

- Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2006 йилнинг 17 мартдаги №-УП-3725 «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан Комиссия зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатидан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, харбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьяларини танлаш ва лавозимларга тавсия этиш вазифалари юкланади;

- Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 июлдаги ““Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Харбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомга, Судьяларнинг малака хайъатлари тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни – судларнинг мустақиллигини янада кучайтириш, суд кадрлари билан ишлашни яхшилаш, судьялар малакасини ошириш масалаларини ҳал қилиш, шунингдек судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Қўйидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар судлар фаолиятини моддий-

техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳақида”ги № 147 Қарори билан судлар, адлия органлари ва муассасаларини моддий-техника жиҳатидан таъминлашни яхшилаш, уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек амалда мавжуд бўлган судлар, адлия органлари ва ижро иши юритишни ривожлантириш жамғармаларининг маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси судлари ва адлия муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларини ривожлантириш жамғармаси ва Ижро иши юритишни ривожлантириш жамғармаси асосида ягона Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 1 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд Департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-722 сонли Қарори билан белгилаб қўйилсинки, ижро йиғими маблағлари Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига ўтказилади ва Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, суд ижрочиларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек суд ижрочилари фаолиятини ва мажбурий ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади.

Одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга оширилиши учун шароит яратишга йўналтирилган бошқа чора тадбирларни амалга ошириш тартиби кўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган:

- Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд

хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги № 258-II сонли Қонуни;

- «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1653-сонли «Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»<sup>43</sup>; Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқнома;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1654-сонли «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»<sup>44</sup>; Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1655-сонли «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»<sup>45</sup>; Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома.

---

<sup>43</sup> «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2007 й., 3-сон, 29-модда

<sup>44</sup> «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2007 й., 3-сон, 30-модда.

<sup>45</sup> «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2007 й., 3-сон, 31-модда.

## **2.4. Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш масалалари**

Ҳозирги пайтда судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалалари билан бошқа органлар билан бир қаторида Суд департаменти ҳам шуғулланади. Мазкур орган суд тизимини ресурслар билан таъминлашга маъсул ва бу соҳада вужудга келадиган муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланади.

Бизнинг назаримизда самарали одил судловни шакиллантириш мақсадида Суд департаменти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тарқибидан чиқарилиши ва судьялар ҳамжамиятининг ўзига хос ижро этувчи органига айлантирилиши лозим. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган Суд департаменти иккига бўлиниши ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд департаменти ташкил этилиши ҳамда мустақил Суд ижрочилари хизмати ташкил этилиши лозим. Чунки Суд қарорларини ижро этиш суд ҳокимияти тарқибидаги органнинг ваколатида эмас, балки ижро ҳокимияти тизимидаги мустақил орган томонидан амалга оширилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги департамент раҳбари судьялар съезди тавсиясига кўра ёхуд Ўзбекистон судьялари ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши лозим. Суд департаменти раҳбари Ўзбекистон Судьялари съезди олдида ҳам ҳисобдор бўлиши керак.

Ушбу таклиф қўйидагилардан келиб чиқиб киритилмоқда:

1. Давлат ҳокимияти уч тармоғининг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ваколатлари аниқ чегараланиб – белгиланиб қўйилиши ваколатли ва мустақил суд ҳокимиятининг шакилланишига жиддий таъсир кўрсатади.

2. Адлия вазирлиги ижро этувчи ҳокимият органи сифатида кўплаб

вазифаларга эга, судлар билан ишлаш эса адлия органлари фаолиятининг фақат бир йўналиши. Судлар таъминотини яънада яхшилаш ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш мақсадида Суд департаменти Адлия вазирлиги таркибидан чиқарилиши лозим

3. Суд ҳокимиятининг ижро ҳокимиятидан тўлиқ ажратилиши, унинг фаолиятини етарли даражада ва яхши молиялаштириш йўлга қўйилгандагина мумкин бўлади. Суд ҳокимияти яхши ташкил этилган, етарли даражада молиялаштирилган тақдирдагина лозим даражада фаолият кўрсатади. Суд ҳокимияти ўз фаолияти билан суд ҳужжатларини қабул қилиш орқали жамият ҳаётида жиддий таъсир кўрсатади, чунки у турли хил қарашларга эга бўлган кўплаб одамлар билан тўғридан тўғри мунособатга киришади ва улар учун муҳим бўлган муаммоларини ечади. Суд ҳокимияти ҳалқ билан мана шундай доимий алоқаси туфайли жамиятда демократия ва барқарорликни таъминлаш механизмнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Шундай қилиб, бизнинг назаримизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида кадрлар молиявий, моддий-техник ва бошқа масалалар билан шуғулланадиган Суд департаменти ташкил этилиши одил судловни тўлиқ ва мустақил равишда амалга оширишга янада яхшироқ шарт-шароит яратган бўлур эди.

Масалани бу тарзда ҳал қилиш суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг суд ҳокимиятининг давлат ҳокимияти тизимида ўзининг мустақил ўрнини эгаллаши, одил судловнинг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилиш кафолатларни янада кучайтириш, юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш ва умуман олганда жамиятнинг ҳуқуқий ривожланиши ҳамда мамлакатда қонун устуворлигини ишончли тарзда таъминлаш вазифаларини амалга оширишга кўмаклашган бўлар эди.

## **Иккинчи боб бўйича хулосалар**

1. МДХ давлатлари ва хорижий мамлакатларда судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника ва молиявий таъминлаш вазифаларини таҳлил этиш, бу вазифаларни кўйидаги органлар томонидан амалга оширилиши тўғрисида хулосага келишга имкон берди:

1) Адлия вазирлиги;

2) ихтисослашган судлар таъминоти – тегишли йўналишлардаги вазирликлар томонидан (Франция, ФРГ ва бошқалар);

3) судьяларнинг ўз ўзини бошқариш олий органига ҳисобдор (АҚШ) ёки олий судга тўғрироғи унинг катта судьясига ҳисобдор (масалан, Буюк Британияда - лорд-канцлерга) органлар, Россия Федерацияси Олий суди ҳузуридаги Суд департаменти; Қозоғистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги суд маъмурияти бўйича кўмита;

4) судьялар ўз ўзини бошқаруви (Украина судьялар кенгаши).

2. Мустақил махсус ваколатли орган – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича департамент ташкил этилганлиги суд ҳокимиятининг нисбатан автоном фаолият кўрсатишига шароит яратишга йўналтирилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича департаментни иккига бўлиб, унинг ўрнига Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича департамент ва мустақил Суд ижрочилари хизмати ёхуд Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш бўйича департамент ташкил этиш таклиф қилинмоқда.

## ХУЛОСА

Диссертацияда баён этилган, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаларини амалга ошириш муаммолари билан боғлиқ материалларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш айрим хулосаларига келиш, таклиф ва тафсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

Биринчидан, судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш вазифасини ташкил этувчи элементларни таҳлил қилиш асосида бу вазифани судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифалари деб аташлик таклиф этилмоқда.

Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини асосий белгиларини таҳлил этиш асосида бу вазифаларни асосий ва кўмаклашувчи вазифаларига бўлиш таклиф этилмоқда.

Учинчидан, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаларининг ҳуқуқий асослари бўлиб, куйидагилар ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) 924-ХП-сонли Қонуни;

2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги № 258-П сонли Қонуни;

3. Ўзбекистон Республикасининг «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги № 199 - сонли Қонуни;

4. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Харбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-103-сонли Қонуни (20.07.2007 й);

5. “Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (04.05.2000 й. ПФ-2599-сон);

6. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (17.03.2006 й. ПФ-3725-сон);

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-1038-сонли Фармойиши;

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 1 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд Департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жихатдан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-722 сонли Қарори;

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (ЎЗР ВМ 27.08.2003 й. №370-сон Қарори);

10. “Ўзбекистон Республикаси Судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (22.09.2001 й. №383-сон);

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида Низом;

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида Низом (ЎЗР ВМ 27.08.2003 й. 370-сон Қарорига 2-илова);

13. “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисида”ги Низом;

14. Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида Низом;

15. “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (18.03.2003 й. 147-сон);

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1653-сонли “Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори<sup>46</sup>; Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқнома;

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1654-сонли “Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори<sup>47</sup>; Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома;

18. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1655-сонли “Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори<sup>48</sup>; Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома.

Тўртинчидан, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника

<sup>46</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й., 3-сон, 29-модда

<sup>47</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й., 3-сон, 30-модда.

<sup>48</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й., 3-сон, 31-модда.

жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифалари қуйидаги органлар томонидан амалга оширилади:

1. -Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси;
2. -Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти;
3. -Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси;
4. -Судьялар малака ҳайъатлари.

Бешинчидан, МДХ давлатлари ва хорижий мамлакатларида судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаларини амалга ошириш тажрибасини ўрганиш, бу вазифани қуйидаги органлар томонидан амалга оширилишини аниқлаш имконини берди:

- 1) Адлия вазирлиги;
- 2) ихтисослашган судлар таъминоти – тегишли йўналишлардаги вазирликлар томонидан (Франция, ФРГ ва бошқалар);
- 3) судьяларнинг ўз ўзини бошқариш олий органига ҳисобдор (АҚШ) ёки олий судга тўғрироғи унинг катта судьясига ҳисобдор (масалан, Буюк Британияда - лорд-канцлерга) органлар, Россия Федерацияси Олий суди ҳузуридаги Суд департаменти; Қозоғистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги суд маъмурияти бўйича кўмита;
- 4) судьялар ўз ўзини бошқаруви (Украина судьялар кенгаши).

Олтинчидан, махсус мустақил ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилиши суд ҳокимиятининг нисбатан автоном фаолият кўрсатишини таъминлашликка шароит яратишга йўналтирилган.

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича департаментни иккига бўлиб, унинг ўрнига

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича департамент ва мустақил Суд ижрочилари хизмати ёхуд Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш бўйича департамент ташкил этиш таклиф қилинмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати****Раҳбарий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –439 б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004. –400 б.

13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –448 б.

14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. –Тошкент: Ўзбекистон, 2006. -280 б.

15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -320 б.

16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.

17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор риожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.

18. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

19. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатни акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятни барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза / 2009 йил 5 декабрь/. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь. // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь. // Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

### НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2008. - 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) 924-ХП-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги № 258-П сонли Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги № 199 - сонли Қонуни.
5. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Харбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомга, Судьяларнинг малака хайъатлари тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси ЎРК-103-сонли Қонуни (20.07.2007 й).
6. “Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (04.05.2000 й. ПФ-2599-сон).
7. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни

тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (17.03.2006 й. ПФ-3725-сон).

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-1038-сонли Фармойиши.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 1 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд Департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-722 сонли Қарори.

10. “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (27.08.2003 й. 370-сон).

11. “Ўзбекистон Республикаси Судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (22.09.2001 й. 383-сон).

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида Низом.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида Низом (ЎЗР ВМ 27.08.2003 й. 370-сон Қарорига 2-илова).

14. “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисида”ги Низом.

15. Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида Низом.

16. “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг Қарори (18.03.2003 й. 147-сон).

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1653-сонли “Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

18. Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича Йўриқнома.

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1654-сонли “Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

20. Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома.

21. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 15 январдаги 1655-сонли “Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

22. Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома.

## **МАХСУС АДАБИЁТЛАР**

1. Алексеева Л.Б., Андреев В.И. и др. Настольная книга. Введение в профессию. М., 2000.

2. Актуальные проблемы становления и развития судебной власти в Республике Казахстан: Материалы международной научно-практической конференции, посвященной 70-летию доктора юридических наук, профессора К.Х.Халикова. – Алматы: Казак университети, 2009.

3. Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов и факультетов. 2-е изд., испр. и доп. М.: Зерцало, ТЕИС, 1996.

4. Изварина А.Ф. Судебная власть в Российской Федерации: содержание, организация, формы. – Ростов н/ Д: «Феникс», 2005.

5. Клеандров М.И. Судебные системы государств – участников СНГ: законодательное обеспечение. – М.: Юрист, 2002.

6. Организация деятельности судов: Учебник / Под общ. ред. В.М.Лебедева. – М.: Норма, 2007.

7. Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. – Т.:ТДЮИ, 2005.

8. Рустамбаев М.Х., Тухташева У.А. Судебная власть и судебно-правовая реформа в Республике Узбекистан: научно-публицистическое издание. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2008.

9. Судебная власть / Под ред. И.Л.Петрухина. – М.: ООО «ТК Велби», 2003.

10. Судебные системы европейских стран. Справочник Перевод с франц. Д.И.Васильева и с англ. О.Ю.Кобякова. – М.: Международ. отношения, 2002.

### **ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

1. Выступление делегата П.Моисеева на III (внеочередном) съезде судей РФ // Ж.Российская юстиция. – 1994. - № 5. – Б. 5.

2. Мухитдинова Ф.Ф. Демократизм и социальная справедливость при подборе судебных кадров / / Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. – 2002. – № 3-4. –Б. 82.

3. Мустафаев Б. // Укрепление независимости судов – веление времени. – Народное слово. – 24 февраля. – 2007.